

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
“БАНК-МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ” ФАКУЛТЕТИ  
“МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ” КАФЕДРАСИ**

**“Ҳимояга тавсия этилди”**

Кафедра мудир, проф.

\_\_\_\_\_ Ж.Р.Зайналов  
Баённома №\_\_ 2019 йил \_\_ май

**5A230601 – Давлат молиясини бошқариш мутахассислиги**

**МДМ-117 гуруҳ магистранти**

**Узақова Камоланинг**

**“Бюджет дарамодларини маҳаллий солиқлар орқали ташкил этишни  
самарали бошқариш (Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош  
бошқармаси Маълумотлари бўйича)” мавзусидаги**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: проф. Зайналов  
Ж.Р.**

**Илмий маслаҳатчи: кат.ўқитувчи  
Хусанов Б.Ш.**

**САМАРҚАНД – 2019**

## **МУНДАРЕЖА**

Кириш

### **I Бюджет даромадларини шакллантиришда солиқлардан БОБ фойдаланишнинг аҳамияти**

- 1.1 Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларни тутган урни
- 1.2 Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлашни аҳамияти
- 1.3 Иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш шароитида маҳаллий бюджетларни солиқли тушумларини ошириш зарурияти

### **II Бюджет даромадларини солиқлар орқали ташкил этишни БОБ таҳлили**

- 2.1 Бюджет даромадларини солиқлар орқали ташкил этишни амалдаги ҳолати ва таҳлили
- 2.2 Бюджет даромадларини таҳлил қилиш усуллари
- 2.3 Маҳаллий бюджет даромадларини тартибга солишда умумдават солиқларидан ажратиладиган маблағларни нормаллаштириш омиллари

### **III Бюджет даромадларини маҳаллий солиқлар орқали БОБ ташкил этишни самарали бошқаришни истиқболлари**

- 3.1 Маҳаллий бюджетларни баланслаштиришда маҳаллий солиқларни таъсири
- 3.2 Бюджетни солиқли даромадларини режалаштиришни такомиллаштириш йўллари
- 3.3 Маҳаллий бюджетларни даромадлар базасини оқилона солиқларни ундириш орқали кенгайтириш ва уларни субвициядан чиқариш йўллари

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

## **Кириш**

**Мавзунинг долзарблиги.** Давлат бюджети даромадлари миллий даромаднинг қайта тақсимланадиган қисми бўлиб, иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Шунингдек, бюджет даромадлари давлат вазифаларини ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни молиявий таъминлашнинг асосий молиявий воситаси ҳисобланади.

Давлат бюджетини самарали шакллантириш жараёни, авваламбор пухта ишлаб чиқилган солиқ-бюджет сиёсатини юритиш ва оқилона солиқ маъмурчилигини ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда иқтисодиётимиз эришаётган ютуқлар қаторида барқарор иқтисодий ўсиш, зҳоли турмуш фаровонлиги даражасининг муттасил ошиб бориши, ташқи савдо балансининг ижобий сальдо билан бажарилиши, ҳеч муболағасиз, солиқ-бюджет сиёсатини самарали юритиш натижаси, деб айтсак хато бўлмайди.

Ўз ўрнида, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўтказишда муҳим ҳисобланган вазифалардан бири Давлат бюджети даромадларининг мустаҳкам базасини шакллантириш ҳисобланади, иқтисодиётга солиқ юкини босқичма-босқич камайтириб бориш ва оптимал солиққа тортиш тизимини яратиш ҳукуматимиз олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Шу нуқтаи назардан, Давлат бюджети даромадларини тўғри шакллантириш жараёнида давлат томонидан фискал функцияларни сифатли даражада бажариш, шунингдек иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи асосий омил оқилона солиқ сиёсатини юритиш талаб қилинади.

Ҳудудларни ривожлантириш борасида фикр юрита туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев шундай дейди: “ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим

Шундан келиб чикиб, бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш чоратадбирларини амалга ошириш, бунда илмий асосланган таклиф ва тавсияларни кенг қўллаш орқали масалага тизимли ёндашиш муҳимлиги танлаган мавзунинг долзарб эканлигини белгилаб беради.

**Магистрлик диссертация иши мавзуси доирасида мавжуд муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бюджет даромодларини маҳаллий солиқлар орқали ташкил этишни назарий ва амалий жиҳатлари хорижий-иқтисодчи олимлар А.М.Бабич, Дж.С.Долан, Л.А.Дробозина, В.В.Ковалева, Н.В.Миляков, Г.Б.Поляк, Л.Н.Павлова, В.К.Сенчаговларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.<sup>2</sup>

Ўзбекистонлик олимлар О.Қ.Абдурахмонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев, Ж.Р.Зайналов, А.С.Жўраев, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаровларнинг илмий изланишларида давлат бюджетнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва вазифалари таҳлил қилинган.<sup>3</sup>

Республикамизда кейинги йилларда давлат бюджетнинг моҳияти, уларнинг даромадларини шакллантириш маҳаллий солиқларнинг ролини ошириш муаммолари иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилганилиб келинмоқда

Юқорида қайд этилган илмий ишларда давлат бюджети даромадларини шакллантиришда айнан маҳаллий солиқларни амалий жиҳатлари яхлит комплекс ўрганилмаган. Маҳаллий бюджет солиқлари

---

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

<sup>2</sup> Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государст венные и муниципальне финансь.Учебник. – М.: «ЮНИТИ» - 2000-687с.; Финансы. Учебник. Под. ред. проф. Л.А.Дробозиной. – М.: «ЮНИТИ – ДАНА» - 2009. – 527с.; Финансы. Учебник. Под. Ред. В.В. Ковалева – М.: «Проспект». -2006-640с.; Миляков Н.В. Финансы. Учебник. – М.: «Инфра».- 2004.-543с.; Поляк Г.Б.Территориальные финансы. Учебное пособие. – М.: «ВЗФЭИ». – 2006 – 479 с; Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. Под. Ред. проф. В.К.Сенчагова, проф А.И. Архипова. – М.: «Проспект». – 2008. – 720с.

<sup>3</sup> Алимов И.И. Солик. – Т.: «ТДИУ». 2007. – 108 б.; Вахобов А., Сирожидинова З. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети. – Т.: «Молия». 2001. – 115 б.; Вахобов А, Қосимова Г, Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод молия» 2005. – 283 б.; Вахобов А, Жамолов Х. Согласование межбюджетных отношений. Т. «Молия». 2002. – 237 б.; Жураев А., Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: «ФАН» - 2004 – 243 б.; Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия. Умумдавлат молияси. – Т.: «Иқтисод молия» 2009. – 554 б.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджет ва солиқ. – Т.: «Марифат – мадақдор» - 2004 – 120 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли. – Т.: «Фан ва технология» - 2008 – 203 б.

моҳиятини Самарқанд вилоят мисолида таҳлил этиш ҳолати ва хусусиятлари аниқланмаган ва уларни такомиллаштириш йўналишлари мустақил ҳослигини ҳисобга олган ҳолда,

Танланган муаммонинг долзарблиги, илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги, иқтисодий адабиётларда етарлича ўрганилмаганлиги мазкур ишнинг диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлади.

**Магистрлик диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Магистрлик диссертация иши мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади.** Бюджет даромодларини маҳаллий солиқлар орқали ташкил этишни самарали бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот ишининг вазифалари.** Тадқиқот ишининг юқорида келтирилган мақсадидан келиб чиқиб қуйидагиларни унинг вазифалари сифатида белгилаб олинди:

- маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларни тутган урни назарий асосларини ўрганиш;
- маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлашни аҳамиятини ўрганиш;
- иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш шароитида маҳаллий бюджетларни солиқли тушумларини ошириш заруриятини тадқиқ қилиш;
- бюджет даромадларини солиқлар орқали ташкил этишни амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш уларини таҳлил қилиш усулларини ёритиш;
- маҳаллий бюджет даромадларини тартибга солишда умумдавлат солиқларидан ажратиладиган маблағларни нормаллаштириш омилларини тадқиқ этиш;
- бюджетни солиқли даромадларини режалаштиришни такомиллаштириш йўллари ўрганиш;
- маҳаллий бюджетларни даромадлар базасини оқилона солиқларни

ундириш орқали кенгайтириш ва уларни субвициядан чиқариш йўллариغا оид таклаиф ишлаб чиқиш ва бошқалар.

**Тадқиқот объекти.** Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар асос қилиб олинди, шунингдек Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия Бош бошқармаси ҳисобот маълумотлари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети.** Мазкур тадқиқот ишининг предмети сифатида бюджетни даромадларини маҳаллий солиқлар орқали шакллантириш билан боғлиқ бўлган молиявий иқтисодий муносабатлар танлаб олинди

**Тадқиқот методлари** Магистрлик диссертация ишида кузатиш, таққослаш, солиштириш, индукция дидукция ва бошқа иқтисодий усуллардан фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

- бюджет даромадларини маҳаллий солиқлар орқали шакллантиришда бозор иқтисодиёти талабларига етарли даражада жавоб бера олмаётганлиги ва унинг оқилона ташкил этиш имкониятлари мавжудлиги аниқланди;

- Самарқанд вилоятида маҳаллий бюджетни солиқли даромадларини макиллантиришда умумдават ва маҳаллий солиқлар ролини ошириш, солиқларни тартибга келтириш масалалари аниқланди;

- давлат бюджети даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролини ошириш, шунингдек, уларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги салмоғини юксалтириш мақсадга мувофиқлиги асосланди;

- бюджет даромадларни маҳаллий солиқлар орқали тулдириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги.

**Илмий янгилиги:**

- бюджет даромадларини тўлиқлигини таъминлашда маҳаллий солиқларга боғлиқлигини илмий қарашларнинг таҳлили қилинган ва уни тартибга келтириш зарурлиги асосланган.

- маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадларини хусусиятлари юзасидан турли илмий қарашлар қиёсий тадқиқ этилган ва улар

таснифланган;

-Самарқанд вилояти мисолида маҳаллий солиқлар ролини оширишнинг устувор йўналишлари юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

-бюджет бюджет даромадаларини тўлиқлигини таъминлашда маҳаллий солиқлар ролини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Магистрлик диссертация иши натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти-илмий ишда илгари сурилган илмий-назарий ва амалий ғоялар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан бюджет даромодларини маҳаллий солиқлар орқали ташкил этишни самарали бошқаришга қаратилган келгусидаги маҳсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот иши амалий аҳамиятидан Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида бюджет даромадларини шакллантириш, уларднн тўлиқлигини таъминлашда маҳаллий солиқлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин. Битирув малакавий иши маълумотларидан олий ўқув юртларида «Давлат молиясини бошқариш» ва «Давлат бюджет» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Магистрлик диссертация иши натижаларининг жорий қилинганлиги.** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Самарқанд вилояти молия Бош бошқармаси (17.05.2019 йилдаги 11/2-011- сонли далолатнома) томонидан амалиётга жорий этилган.

Битирув малакавий иши Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Магистрлик диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот ишининг таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот иши ҳажми 90 бетдан иборат бўлиб, унда 5 та жадвал, 8 та расм, 2 та чизмадан иборат.

# **I БОБ. БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

## **1.1. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларни тутган ўрни**

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш давлатларнинг қурилиш шаклига тўғридан-тўғри боғлиқ ҳисобланади. Унитар тизимга эга давлатларда бюджет ресурсларининг нисбатан юқори марказлашуви кузатилса, федератив давлатларда бюджет ресурслари ҳамда харажат ваколатларини барча даражадаги бюджетлар ўртасида баланслашган тарзда тақсимланишига ва натижада бюджетларнинг нисбатан мустақиллигини юқори бўлишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бугунги кунга келиб давлат қурилиш шаклидан катъий назар, барча давлатларда бюджетлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосини бюджет марказлашуви даражасини камайтириш, ҳудудлар бюджетларининг мустақиллигини ошириш масалалари эгаллаб келмоқда.


Маҳаллий бюджетлар даромадлари тўлиқлилигини таъминлаш ва бюджетлараро муносабатлар оптимал тизимини шакллантиришда асосан даромадларни қандай принцип ва методлар асосида турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши, харажатларни молиялаштириш ваколатларини бюджет даражаларига бириктирилиши каби муаммолар асосий ўринни эгаллайди. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, бир қатор ўтиш босқичидаги унитар давлатлар сингари Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб маҳаллий бюджетлар ўз даромадлари ҳиссасининг нисбатан пастлиги ҳамда аксинча бюджетлараро муносабатлар ролининг юқорилиги ҳисобланади<sup>4</sup>, бу эса ўз навбатида турли даражадаги бюджетлар ўртасида молиявий воситалар оқимининг юзага келишига замин яратади.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишга қаратилган

---

<sup>4</sup> Вохобов В.А. Жамолов Х.Н. Согласование межбюджетных отношений. Молия, 2002 й.

ислохотларнинг амалга оширилишига қарамасдан ҳанузгача уларнинг Давлат бюджетидаги ҳиссаси пастлигича қолмоқда. Маҳаллий бюджетлар ва республика бюджети даромадларининг Давлат бюджети даромадларидаги ҳиссасини 1-расмда кўриш мумкин.



**1-расм. Маҳаллий бюджет кўрсаткичларининг Давлат бюджетидаги улуши<sup>5</sup>**

Маҳаллий бюджетлар орқали асосан ижтимоий харажатларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунга келиб маҳаллий бюджетлар харажатларининг 85-90 % ини ижтимоий соҳа харажатлари ташкил этмоқда. Маҳаллий бюджетлар даромадлар манбаининг асосий қисмини маҳаллий солиқлар ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 3-боб, 23-моддасига мувофиқ маҳаллий солиқ ва йиғимларга: мол-мулк солиғи, ер солиғи, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим ва ягона ер солиғи киради. Лекин ушбу солиқлар маҳаллий бюджетлар харажат ваколатларини қоплашга етмаслиги сабабли, умумдавлат солиқларидан ажратмалар ажратиш амалиётда фойдаланилади. Тартибга солувчи солиқлар маҳаллий бюджет харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу

<sup>5</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

бир томондан бюджетлараро муносабатларинини ажралмас таркибий қисми бўлса, бошқа томондан самарали бюджетлараро муносабатлар ислохотини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Чунки бундай тартибга солувчи даромадлардан меъерий ажратмалар ажратиш амалиёти маҳаллий бюджетларни шакллантиришда беқарорлик ва ноаниқликни келтириб чиқариши, маҳаллий бюджетлар солиқ йиғимларини оширишга ҳамда солиқ имкониятларини кенгайтиришга бўлган қизиқишини рағбатлантирмаслиги мумкин.

Маҳаллий бюджет даромадларини ошириш бевосита худдудни солиқ потенциали тушунчаси билан бевосита боғлиқ бўлади.

Келаси йил Давлат бюджетини тузиш мақсадида молия органлари томонидан бюджет лойиҳасини тузиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, бюджет даромадлари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жумласига ўтган йилда (даврд) Давлат бюджети даромадлари қисмига тушган тушумларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва тегишли қарорларни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда солиқлардан кенг фойдаланилади. Чунки солиқлар хўжалик юритишнинг турли босқичларида такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этади ва яратилган маҳсулотни тақсимлашда иштирок этади. Шу нуқтаи назардан давлатда ёки алоҳида олинган ҳудуддаги солиқ муносабатлари борасидаги назарий тадқиқотлар солиқ тизими, солиққа тортиш тартиби билан бирга солиқ потенциали ва уни баҳолашни назарда тутади.

Ўзбекистоннинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясида маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, ҳудудлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш каби муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, мазкур вазифаларни таъминлашда ривожланган давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикада қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Келаси йил Давлат бюджетини тузиш мақсадида молия органлари томонидан бюджет лойиҳасини тузиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, бюджет даромадлари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жумласига ўтган йилда (даврда) Давлат бюджети даромадлари қисмига тушган тушумларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва тегишли қарорларни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда солиқлардан кенг фойдаланилади. Чунки солиқлар хўжалик юритишнинг турли босқичларида такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этади ва яратилган маҳсулотни тақсимлашда иштирок этади. Шу нуқтаи назардан давлатда ёки алоҳида олинган ҳудуддаги солиқ муносабатлари борасидаги назарий тадқиқотлар солиқ тизими, солиққа тортиш тартиби билан бирга солиқ потенциали ва уни баҳолашни назарда тутлади.

Ўзбекистоннинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясида маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, ҳудудлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш каби муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, мазкур вазифаларни таъминлашда ривожланган давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикамізда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланган давлатларда маҳаллий бюджетнинг даромад базасини белгилашда солиқ потенциали тушунчасидан кенг фойдаланилади. Лекин, ушбу тушунча юзасидан олимлар ўртасида ягона ёндашув мавжуд эмаслигини қайд этиш ўринли.

Дунё амалиётида солиқ потенциали дейилганда молия йили давомида мамлакат ҳудудлари бўйича ягона солиққа тортиш шартларини қўллаган ҳолда давлат ҳокимияти органлари томонидан йиғилган, аҳоли жон бошига тўғри келадиган давлат бюджет даромадлари тушунилади<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup> Gaspar, V., Jaramillo, L., & Wingender, M. P. (2016). Tax Capacity and Growth: Is there a Tipping Point?. International Monetary Fund.

Солиқ потенциали ва уни баҳолаш масаласи илмий мунозаралар марказидаги масалалардан бири ҳисобланади. Хориж илм-фанида мазкур иқтисодий категориянинг моҳияти борасидаги ёндашув ва қарашларни мужассамлаштирган қатор ишланмалар мавжуд.

Солиқ потенциали (СП) тушунчаси бюджет федерализми модели кенг қўлланиладиган кўпчилик ривожланган давлатларда молиявий потенциал билан тенглаштирилади<sup>7</sup>.

Хориж адабиётларида ушбу категория негизида аксарият ҳолларда маълум ҳудуднинг солиқ тушумлари кўринишида даромад келтирадиган солиқ базаси тушунилади. Жумладан, Каролла Пессино ва Рикардо Феночьетто (Carola Pession & Ricardo Fenochietto, 2010) тадқиқотларида қайд этилишича, солиқ потенциали мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, институционал ва демографик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда солиқлардан олинadиган максимал даромад миқдорини ифодалайди<sup>8</sup>.

Жорж Чун-Ян Куо (George Chun-Yan Kuo) солиқ потенциалини солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш ёки давлатнинг даромад олиш қобилияти тарзида ифодалайди<sup>9</sup>. Мазкур ёндашувни Лью Бингъанг ва Гуо Кингванг (Lu Bingyang & Guo Qinwang) каби тадқиқотчилар учун ҳам хос<sup>10</sup>. Муаллифлар фикрича, солиқ потенциали давлат томонидан йиғилган умумий солиқ суммаси бўлиб, солиқ тўловчининг солиқ потенциали ва мамлакат солиқ потенциали каби турлардан иборат.

Фикримизча, юқорида келтирилган мулоҳазаларга қўшилиб бўлмайди. Ваҳоланки, солиқларни тўлаш қобилиятини солиқ потенциали билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки солиқ тўловчининг қобилияти солиқли даромадлар миқдорига таъсир этади.

Солиқ потенциали категориясини кўриб чиқар эканмиз, ушбу

---

<sup>7</sup> Gaspar, V., Jaramillo, L., & Wingender, M. P. (2016). Tax Capacity and Growth: Is there a Tipping Point?. International Monetary Fund

<sup>8</sup> Pessino, C., & Fenochietto, R. (2010). Determining countries tax effort.

<sup>9</sup> Gupta, M. S. Governance, corruption, and economic performance. / M. S. Gupta, G. T. Abed.// International Monetary Fund, - 2002 - 564 p.

<sup>10</sup> Kuo, C. Y. Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity./ C. Y. Kuo//JDI Executive Programs.- 2000. - Ks. 2000-08,- 34p.

йўналишдаги хориж адабиётлари ва мутахассислари томонидан кенг қўлланиладиган солиқ тўловчининг солиқ потенциали, мамлакатнинг солиқ потенциали, ҳудуднинг солиқ сиғими каби тушунчаларни кенг миқёсда ёритиш, уларнинг мазмун моҳиятини очиқ бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳудуд солиқ потенциали солиқ тўловчилар солиқ потенциалидан иборат бўлиб, маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларини шакллантиришга хизмат қилувчи асосий, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалидан таркиб топади. Ҳудуд солиқ сиғими эса ҳудуд миқёсида ундирилиши мумкин бўлган солиқ суммалари йиғиндисидир. Мамлакат солиқ потенциали мамлакат ҳудудлардаги солиқ сиғимини мажмуи сифатида тушуниш мумкин бўлади.

Жозиах Стэмп (Josiah Stamp) солиқ потенциалини давлат харажатларини қоплаш имкони мавжуд бўлган жамиятнинг максимал суммасидир, деб эътироф этади<sup>11</sup>. Шунга ўхшаш таъриф АҚШнинг ҳукуматлараро муносабатлар бўйича Маслаҳат қўмитаси томонидан ҳам илгари сурилган<sup>12</sup>.

Албатта, давлат бюджетининг даромадлар қисми харажатларни қоплаши шарт ёки ундан ошишини назарда тутати. Даромадларнинг харажатлардан ошиши натижасида мамлакат иқтисодиётини, ижтимоий ҳолатини барқарорлаштиришга хизмат қилувчи Тикланиш ва тараққиёт фонди каби пул фондларини ташкил этиш имкони пайдо бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, инглиз тилидаги илмий адабиётларда солиқ потенциали категорияси ва солиқ юки баъзан синонимлар сифатида фойдаланилади, масалан, Стефан Брем, 2013<sup>13</sup>. Бизнингча, ушбу фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Шунингдек, Тван Мин Ле (Tuan Minh Le), Бланка Морено-Додсон (Blanca Moreno-Dodson) ва Жиип

---

<sup>11</sup> Sobarzo, H. Tax effort and tax potential of state governments in Mexico: A representative tax system. / H. Sobarzo //Helen Kellogg Institute for International Studies-Working Paper JTe 315. -2004. -31 p.

<sup>12</sup> Advisory Commission on Intergovernmental Relations (ACIR), 1982. Tax Capacity of the Fifty States: Methodology and Estimates. Washington, D.C.: U.S. Government Printing Office. <http://www.librarv.unt.edu/gpo/acii/Reports/M-i34.pdf>

<sup>13</sup> Brehm, S. Fiscal Incentives, public spending, and productivity - county- level evidence from a Chinese province/ S. Brehm // World Development,- Vol. 46- 2013.-P. 92-103.

Рожчайчанинтерн (Jeep Rojchaichaninthorn)<sup>14</sup> тадқиқотларида солиқ потенциали дейилганда мамлакат хусусиятини ҳисобга олган ҳолда регрессион анализ ёрдамида баҳоланадиган солиқ юки прогноз миқдори, солиқ потенциали категориясига эса молиявий потенциалнинг таркибий қисми сифатида қаралган.

Профессор Гэмлат Рау (Hemlata Rao)<sup>15</sup> солиқ потенциалини миқдорий баҳолаш ва уни шакллантиришга доир чора-тадбирлар бўйича фикр юрита туриб, солиқ потенциалини даромадлар ўлчови ва солиқли даромадлардан олинган сумма тарзида ифодалаган. Биринчи ҳолатда давлат бюджетига шакллантириладиган умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда бошқа даромадлар тарзида солиқ потенциали ўлчови сифатида қабул қилинади. Иккинчидан, солиқ потенциали ресурсларни англатади, яъни, давлатнинг солиқли даромадлари прогноз суммалари, бошқа давлатлар солиштириш тарзида намоён бўлади. Ушбу категориянинг ажралмас бўғини шундаки, солиқли даромадлар ва солиқ потенциалини қийёслашда солиқ идораларининг солиқли даромадларни шакллантиришдаги сайъ-ҳаракатларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади.

Мазкур йўналишдаги тадқиқотларда Льюк Алферман (Luky Alfirman)нинг солиқ потенциалининг стохастик чегаралари борасидаги изланишлари алоҳида эътиборни тортади. Унинг фикрича, солиқ потенциалининг солиқ сифими, яъни иқтисодиёт барча ресурс ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда умумий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда барча солиқли даромадларни шакллантириш тарзида ифодалайди<sup>16</sup>. Бошқача айтганда, солиқ сифими – ҳақиқатдаги солиқли тушумлар миқдори, солиқ потенциали – стохастик чегаралар регрессион таҳлили нтижасида олинган солиқ тушумларининг прогноз миқдоридир.

---

<sup>14</sup> Tanzi, V. 12 Structural factors and tax revenue in developing countries: a decade of evidence/ V.Tanzi //Open Economies: Structural Adjustment and Agriculture. - 1992. - P 267.

<sup>15</sup> Rao, H. Taxable capacity tax-efforts and forecasts of tax-yield of Indian States/H. Rao// Institute for Social and Economic Change, Bangalore- 1993,- 165 p.

<sup>16</sup> Alfirman, L. Estimating stochastic frontier tax potential: Can Indonesian local governments increase tax revenues under decentralization / L. Alfirman //Department of Economics, University of Colorado at Boulder, Colorado. Working Paper.-2003.-JTo. 03-19,- 37 p.

Энлинсон Матош (Enlinson Mattos), Фабиян Роша (Fabiano Rocha) ва Пауло Арвейт (Paulo Arvate) каби олимлар Алферманнинг фикрини қўллаб-қувватлайди ҳамда фойдаланилмаган солиқ потенциали самарасизлик ўлчови эканлиги, бироқ уни аниқлаш мумкин эмаслигини таъкидлайди<sup>17</sup>.

Солиқ потенциалини баҳолаш репрезентатив солиқ тизими усули<sup>18</sup>дан фойдаланувчи давлатлар учунгина хосдир. Хорацио Собарцо ушбу индексни солиқ потенциалидан фойдаланиш индекси (Tax Potential Index Use (TPIU)) сифатида аниқлаб, уни ҳақиқий солиқ тушумларини тушиши мумкин бўлган даромадларга нисбати кўринишида ҳисоблашни таклиф қилган<sup>19</sup>.

Худуд солиқ потенциали тушунчаси тегишли бюджетга шакллантириш мумкин бўлган яширин даромадлар миқдорини аниқлаш ва бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш учун фойдаланилади. Хориж адабиётлари ва илмий тадқиқотларида ушбу тушунча кенг ва тор маъноларда ифода этилади. Тор маънода “худуд солиқ потенциали” амалдаги солиқ қонунчилигига асосан ҳисобланган солиқ ва йиғимларнинг максимал суммасидир. Кенг маънода худуд ривожланиш даражасини ифодаловчи макроиктисодий кўрсаткичлар (солиқ ва йиғимлар йиғилувчанлиги, ўртача транзакцион солиқ чегирмалари ва б.) ҳисобга олган ҳолда худуднинг солиққа тортиладиган ресурсларнинг умумий ҳажми ҳисобланади. Яъни амалдаги солиқ қонунчилигига кўра солиқлар воситасида бюджетга ундирадиган худуд даромадининг бир қисми саналади<sup>20</sup>.

Маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ҳам солиқ потенциали ҳақида фикр-мулоҳазалар, айрим ёндашувлар билдириб ўтилган. Хусусан, Ф.М.Мирзаев ўз илмий изланишларида солиқ йиғилувчанлиги даражасини худудлар солиқ потенциали асосида баҳолаш услубини таклиф этган.

<sup>17</sup> Mattos, E. Flypaper effect revisited: evidence for tax collection efficiency in Brazilian municipalities/ E. Mattos, F. Rocha, P. Arvate //Estudos Economicos (Sao Paulo). - 2011. - Т. 41. - №2, - P. 239-267.

<sup>18</sup> Репрезентатив солиқ тизими усули (РСТ) ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ базалари тўғрисидаги тўлиқ маълумотлардан фойдаланиш талқин этади. Ушбу усулнинг мазмуни худудда йиғилиши мумкин бўлган бюджет даромадлари суммасини ҳисоблашда намоён бўлади. <http://www.financemotion.ru>

<sup>19</sup> Sobarzo, H. Tax effort and tax potential of state governments in Mexico: A representative tax system./ H. Sobarzo//Helen Kellogg Institute for International Studies—Working Paper JTa 315,— 2004 — 31 p.

<sup>20</sup> Жеребцов, А.Б. Управление формированием и развитием налогового потенциала региона: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 (15.); 08.00.10 / Жеребцов Андрей Борисович. - Москва, 2007. - 28 с.

Шунингдек, ҳудуднинг жорий ҳисобот даври учун солиқ потенциали ҳисоблаш бўйича ўз ёндашувини билдирган<sup>21</sup>.

Шунингдек, У.У. Пардаев томонидан давлат бюджети даромадларини режалаштиришда солиқ потенциалидан фойдаланиш зарурлигини эътироф этган ҳолда, солиқ потенциали юзасидан қарашлари илгари сурилган<sup>22</sup>.

## **1.2. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлашни аҳамияти**

Давлатнинг аҳолини ижтимоий неъматлар билан таъминлаши маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллиги, улар даромад ва харажатлари мутаносиблиги, даромадлари барқарорлиги билан бевосита боғлиқ. Республикамиз мустақиликка эришгандан сўнг бюджет тизими бўғинлари даромад ва харажатларини мутаносиблигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бюджет тизими ривожланишининг дастлабки босқичида маҳаллий бюджетларга бюджет дотациялари, субвенция ва бошқа турдаги молиявий ёрдамлар тақдим этилди. Бюджет тизими тараққиётнинг кейинги босқичларида эса ҳудудларни дотациядан чиқиш дастурлари ишлаб чиқилиб, вилоят бюджетлари, бюджетдан ташқари жамғармалар дотациядан чиқарилди. 2014 йилдан бошлаб ҳудудларни субвенциядан чиқариш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан 2014 йилда Андижон вилояти, 2015 йилда Хоразм вилояти субвенциядан чиқарилган бўлса, 2016 йилда Самарқанд вилояти субвенциядан чиқариш назарда тутилган эди.

Мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий дастаклари яратилиши, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барча

<sup>21</sup> Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда солиқ йиғилувчанлиги даражасини ошириш йўллари // и.ф.н. илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: БМА, 2012. - Б.5.

<sup>22</sup> Пардаев У.У. Давлат бюджети солиқ даромадларини режалаштиришда солиқ потенциалидан фойдаланиш// Молия, 2013 йил 5-сон. – Тошкент: 2013. – Б.65-70.

соҳаларда жадал ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш имконини яратди. Хусусан, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 56,9 фоизгача оширилди. Натижада 1996-2003 йилларда иқтисодиётимизнинг йиллик ўртача ўсиши 4 фоизни ташкил этган бўлса, 2004-2016 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўртача ўсиши 7-9 фоиз даражага кўтарилди<sup>23</sup>.

Шу сабабли, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мустақилликнинг биринчи кунларидан бошланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек «Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифа»<sup>24</sup> сифатида алоҳида аҳамият касб этган.

Бу ишларнинг давоми сифатида 2016 йил 14 декабрда Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” номли нутқида, бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”. Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига

---

<sup>23</sup> <http://stat.uz>

<sup>24</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 январдаги мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси. 2015 йил 18 январь.

тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади. Принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман<sup>25</sup> деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Шу сабабли, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, субвенциядан чиқаришда ушбу ислохотга таяниб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хизмат кўрсатиш соҳасида ривожлантиришнинг манзилли дастурларини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Мазкур вазифаларни тўлиқ ижросини таъминлаш юқори қайд этиб ўтилганидек, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги билан бевосита боғлиқ.

Турли даражадаги бюджетларнинг вертикал ва горизонтал тартибда мутаносиблигини таъминлаш бюджет жараёнининг бир-бири билан узвий алоқадорликда икки муҳим жиҳати ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бюджет тизими бўғинлари мутаносиблигини таъминлаш юзасидан дунё олимлари, тадқиқотчилари томонидан илмий изланишлар олиб бориш XX асрнинг бошларига келиб оммавий тус олган. Мазкур йўналишдаги тадқиқотларга Тибу (Tiebout, 1956 й.), Масгрэйв (1959 й.) томонидан бошланган бўлиб, Оутс (Oates, 1972 й.) томонидан асос солинган. Шундан келиб чиқиб, турли давлатларда бюджетлараро мутаносибликни таъминлашга оид турли назарий ёндашувлар шаклланган. Хусусан, турли даражадаги бюджет даромадларини мутаносиблигини таъминлашнинг қуйидаги учта модели илгари сурилади (1- расмга қаранг).

Хитой моделида солиқлар ҳудудий давлат ҳокимияти томонидан йиғилади. Марказ (қисман ўрнатилган методикага асосан) томонидан ҳудудга қолдириладиган маблағ миқдори белгиланади. Солиқ тўловларини марказий бюджетга ўтказиш татбиқ этилиб, провинция ишига марказ аралашмайди. Хитой моделининг хусусияти сифатида, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ ундира олмаган ҳудудларда лавозимдан олиш ва ҳатто партиядан чиқариш

---

<sup>25</sup> 2016 йил 14 декабрда Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” номли нутқи. <http://prezident.uz>

ҳолатлари ҳам учраб туради. Мазкур модел ҳаётийлиги фақат партиявий-бошқарув давлатларида бўлиши мумкин. Самарадорлиги паст, даромадларни ошириш, харажатларни оптимал сарфлашга рағбатлантириш тизими мавжуд эмас, оғирлик юқори турувчи бюджетга тушади. Юқоридан маблағларнинг тақсимланганлиги боис ижтимоий адолат тамойилининг таъминланиши мушкул.

Америка моделида классик бюджет федерализмдан фойдаланилади. Федерация, штатлар, муниципалитетлар ўз солиқлари ва ҳатто автоном солиқ хизматлари мавжуд. Федерал солиқлардан штатлар бюджетларида ажратмалар йўқ. Штатлар даромадларни шакллантириш борасида мутлоқ мустақил, яъни солиқ ставкаларини ошириш, янги турдаги солиқларни қўллаш ёки облигациялар эмиссия қилишлари мумкин. Америка моделига мувофиқ, турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ўз манбалари ҳисобидан шаклланади. Бунда штатлар ва муниципалитетлар бюджет-солиқ сиёсатини юритиш юзасидан мустақиллиги таъминланади. Ушбу ёндашувга кўра, АҚШда маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджетлар даромад қисмини шаклланишининг асосий манбаси ҳисобланади. Шу билан бирга, АҚШда штатлар ва муниципалитетлар бюджетини шаклланишида даромадларни қайта тақсимланиши ўзига хос хусусиятидир. Шунингдек, федерал бюджетдан штат ва муниципалитетлар бюджетларига бюджет субсидиялари тақдим этилиб, мазкур субсидиялар штатлар бюджет даромадларидаги улуши жами бюджет тушумларининг 17 фоизини, муниципалитетлар даромадларининг 25 фоизини ташкил қилади. АҚШда федерал ҳукумат бюджет субсидия ва дотацияларни тақдим этиш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларига фаол таъсир кўрсатади.

- Немис модели “Кооператив” федерализм идеологиясига асосланади. Бюджет тизими унинг бўғинлари ўртасида тақсимланадиган “умумий” солиқларга асосланади. Шу боис уларни қисман қайта тақсимлаш амалга оширилади, яъни ажратма меъёрлари татбиқ этилади. Ушбу қайта тақсимлашнинг мақсади донор ерлар ва қарам ерлар ўртасидаги фарқни

кисқартиришдан иборат.

Шундай қилиб, бюджетлараро мутаносибликни таъминлашнинг АҚШ моделининг моҳияти турли даражадаги бюджетлар даромад қисмининг ўз даромадлари ҳисобидан шаклланиши натижасида маҳаллий давлат ҳокимиятининг бюджет сиёсатини амалга оширишдаги мустақиллигини таъминлашида намоён бўлади. Мазкур модел горизонтал тенглаштириш доирасида олинган молиявий ресурслар жорий эҳтиёжларга бўлган харажатларни коплаш йўналтирилмасдан, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга сарфланиши билан ҳам характерланади.


Европа модели хусусиятлари ҳақида тўхталганда, мазкур давлатларда турли даражадаги бюджетлар даромадларининг шаклланишида намоён бўлади. Европа давлатларида маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджет даромадларини шаклланишида ёрдамчи роль ўйнайди. Жумладан, Буюк Британияда федерал солиқлар маҳаллий бюджетлар даромад қисмининг асосий манбаси бўлиб, графлик ва шаҳарлар бюджетларига федерал солиқларнинг 70-90%и ўтказилади. Германияда маҳаллий бюджетлар даромад қисмида маҳаллий солиқлар улуши юқори эмас, федерал ва ўлка бюджетларидан ажратиладиган субсидия ва дотациялари 40%ни ташкил қилади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Германияда “бой” ўлкалар молиявий тушумларининг бир қисмини ривожланиш даражаси нисбатан паст ўлкаларга ажратади ва бунинг натижасида маҳаллий бюджетлар вертикал тарзда тақсимланадиган бюджет субсидия ва субвенциялари ҳисобидан шаклланади. Германияда бюджет субвенциялари қатъий белгиланган мақсадларга сарфланиб, асосан ижтимоий соҳага ажратилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча, маҳаллий бюджет даромадларини белгилаш, солиқ ставкаларини ўрнатиш, даромадларни ўз вақтида ва тўлиғича шакллантириш мақсадида солиқ заҳираларини аниқлаш асосида режадан ортиқча йиғилган солиқ тушумларини аниқ белгиланган қисмини қолдириш амалиётини жорий этиш зарур. Ҳудудларга даромадлар бўйича ваколатларни бериш иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш

шароитида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ ҳудудий иқтисодиёт тараққиётини таъминлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда аҳолининг ижтимоий ва маиший эҳтиёжларини қондириш каби маҳаллий давлат ҳокимияти функция ва вазифаларининг кенгайиб бораётганлигини билан асосланади.

Маҳаллий бюджет даромадлари бир томондан ишлаб чиқариш жараёнининг иштирокчилари ўртасида ялпи ички маҳсулот қийматини тақсимлаш натижаси ҳисобланса, иккинчи томондан маҳаллий аҳамиятга эга пул жамғармасини шакллантиришга хизмат қилувчи қийматдир.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиш манбаларм қуйидагилардан иборат (2-расмга қаранг).




**2-расм. Самарқанд вилояти бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари.**

Республикаимизда маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллик даражасини ошириш, Давлат бюджетида маҳаллий бюджетларнинг улушини кўпайтириш мақсадида қатор умумдавлат солиқлари ва бошқа тўловлар тўлиғича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига ўтказилиб келинмоқда. 2018 молия йилида йил учун қуйидаги

солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетларда қолдирилиши белгиланди. Жумладан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолияти (автотранспорт воситалари вақтинча сақлаш, болалар ўйин автоматлари) билан шуғулланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ, чакана савдо, маиший хизмат, маҳаллий давлат ҳокимиятининг қарори билан ўтириш жойларини ташкил этмасдан туриб уй шароитида нон ва нон маҳсулотлари, доналаб овқатларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш фаолияти, автотранспорт воситаси орқали юкларни ташиш хизмати билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пиво ва ўсимлик ёғи учун акциз солиғи, чакана савдо тизимида сотиладиган олтиндан ясалган заргарлик буюмлари учун акциз солиғи, давлат божлари, йиғимлар ва жарималар.

3-р а с м. О х и р г и у ч й и л д а маҳаллий  
б ю д ж е т л а р и х т и ё р и д а қ о л д и р и л г а н  
д а р о м а д л а р



2018 йил давомида Ҳисоб Палатаси, Бош прокуратура, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда бюджетга қўшимча даромад резервларини аниқлаш бўйича ҳудудларда

ўрганишлар ва амалий ёрдамлар ўтказилиши натижасида давлат бюджетига 12,2 трлн.сўм, жумладан маҳаллий бюджетга 5,5 трлн.сўм қўшимча даромадлар сафарбар этилиши таъминланади.

Бугунги кунда, маҳаллий давлат ҳокимияти зиммасига юклатиладиган вазифаларни маблағ билан таъминлаш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мазкур ҳолатни ижобий ҳолат ёки маҳаллий бюджетлар учун етарли деб бўлмайди.

Мазкур йўналиш бўйича илғор хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Германияда турли даражадаги бюджетлар ўртасида бўлинадиган учта умумий солиқлар мавжуд бўлиб, уларга даромад солиғи, корпорациялар даромад солиғи (корпоратив солиқ) ва қўшилган қиймат солиғи қиради. Асосий қонунда белгилаб қўйилганидек, даромад солиғи ва корпоратив солиқ федерал ва ҳудудий бюджетлар ўртасида тенг тақсимланади.

Федерация ва ҳудудларнинг даромад солиғидаги улуши ҳар бирига 42,5 фоизни ташкил қилади; мазкур солиқнинг 15 фоизи маҳаллий йиғинлар бюджетларига ўтказилади. Федерация ва ҳудудларнинг корпоратив солиқ улуши ҳар бирига 50 фоизни ташкил қилади. Турли даражадаги бюджетлар ўртасида ҚҚСни тақсимлаш нисбатлари федерация ва ҳудудларнинг ўз харажатларини қоплай олишидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. 2014 йилда федерал бюджетга 53 фоиз, ҳудудий бюджетларга - 45 фоиз ва маҳаллий йиғинлар бюджетларига 2 фоиз ҚҚС тушумлари ўтказилган.

Германияда “бир солиқ-бир бюджет” тамойилига таянади. Федерал бюджетга божхона божлари, аксарият акциз солиқлари (энергия, тамаки ва бошқалар), ижтимоий суғурта ва бошқа солиқлар, ўлка бюджетларига мулк ва мерос солиқлари, аксарият тижорат операциялари солиқлари (хусусан, ер участкаси сотиб олганда тўланадиган солиқ) ва бир қатор ҳажми жиҳатидан унчалик катта бўлмаган солиқ тушумлари, маҳаллий бюджетларга ҳунармандчилик<sup>26</sup> ва ер солиқлари, истеъмол товарларига маҳаллий солиқлар

ва бошқа тушумлар келиб тушади. Хунармандчилик солиғидан федерал ва ҳудуд бюджетларига ажратмалар ажратилади.

Германияда солиқ қонунчилигига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бюджетга ўтказишда яшаш жойи ҳисобга олиниши алоҳида аҳамият касб этади. Корпоратив солиқ корпорация штаб-квартираси жойлашган ҳудудда йиғилади ва корпорациялар амалда фаолият олиб бораётган ҳудудлар бўйича тақсимланади. ҚҚСни тақсимлаш нисбатан мураккаброқ. Суст ривожланаётган ҳудудларда даромад, корпорация ва ер солиғи бўйича тушумлар мамлакат бўйича ўртачадан паст бўлган ҳолларда, ушбу ҳудудлар бюджетига 25 фоизгача ҚҚС тушумлари йўналтирилади. ҚҚСнинг қолган 75 фоизи ҳудудлар аҳолиси сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Шундай қилиб, ҚҚСнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши уларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Маблағларни қайта тақсимлашдаги асосий тамойил барча ҳудудларда бюджет даромадларининг жон бошига тўғри келадиган эҳтиёжлари бир хиллигидан келиб чиқади.

Фикримизча, республикамызда давлат бюджети даромадлари барқарорлиги, турли даражадаги бюджет даромадлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятларининг молия-бюджет, бюджет-солиқ соҳаларида ваколатларини аниқ белгилаб олиш, маҳаллий давлат ҳокимиятига нисбатан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш объектив зарурат ҳисобланади. Шунингдек, умумдавлат солиқларини бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлашда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **1.3. Иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш шароитида маҳаллий бюджетларни солиқли тушумларини ошириш зарурияти**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда молия-бюджет тизимида кенг

кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг мақсади бюджет тизимида бюджет камомадининг ўсиб боришига йўл кўймаслик, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишини таъминлашдан иборат. Ислоҳотлар бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланишини таъминлаш, маблағларни тақсимлаш механизмлари тартибини такомиллаштириш, бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини орттириш ва масъулиятини ошириб бориш каби йуналишларда олиб борилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш марказий ва маҳаллий давлат бошқарув органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини анча ўзгартиради. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ислоҳ қилишнинг асосий воситалари сифатида Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар шаҳарлар ва туманларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишдаги ҳуқуқдари ва ваколатларини босқичма-босқич кенгайтириб бориш зарур. Бунда ҳудудий давлат бошқарув органлари молиявий тизимининг асосий таркибий қисми сифатида маҳаллий бюджетлар намоён бўлади. Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади.

Маҳаллий бюджетлар Республика бюджетида муҳим таркибий қисмини ташкил этади ва маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият юритишларида молиявий асос бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар фаолияти маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ қондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларининг бажарилиши билан узвий боғлиқ ҳолда ижро этишга имкон яратиб беради. Маҳаллий бюджетлар минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда асосий манба ва маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг иқтисодий асоси бўлганлиги туфайли бюджетга қўшимча

маблағлар жалб этиш манбаларини излаб топиш ва мавжуд маблағларни самарали сарфланишини таъминлаш орқали бюджет сиёсати самарадорлигини таъминлайдиган асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Мазкур масала муҳим аҳамият касб этганлиги туфайли Республикамизнинг биринчи Президенти И.А. Каримов Олий Мажлиснинг 2012 йил майда бўлиб ўтган иккинчи чақирик бешинчи сессиясида йил ва чорак бюджет ижросини муҳокама қилиш пайтида ҳам бюджет маблағларини тасарруф этишда маҳаллий ҳокимиятларни ролини ошириш даромадларни катта қисмини хусусан, режадан ортиқча тўпланган маблағларни тўлик ҳолда маҳаллий органларнинг ўзларида қолдириш зарурлиги тўғрисида таъкидлаб ўтган эдилар. Маҳаллий солиқларнинг улушининг ошишида ҳукуматимиз томонидан минтақалар молиявий ресурсларининг жамиятимиз ҳаётида ролини орттириш мақсадида унинг даромад манбасини ошириш учун қабул қилинаётган қарорлари сабаб бўлмокда. Бунинг натижасида маҳаллий солиқларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларининг умумий ҳажмида салмоғини кўпайишига олиб келмокда.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда молия бозорларидан жалб қилинган даромад тушумларини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қўлланилиши ўринли бўлиб ҳисобланади.

Биринчидан, минтақаларда тадбиркорликни ривожлантиришда табиий заҳиралардан фойдаланиш учун олинадиган солиқ ставкаларини белгиланишида маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш керак бўлади.

Иккинчидан, юқори ва уйи бўғинларнинг бир-бирига бўйсунилишининг янги тизимини ишлаб чиқиш ва янгилаш имкониятини берувчи юридик мақомга эга бўлган ҳужжатлар тизимини қонун орқали ўрнатиш лозим.

Учинчидан, инвестициялар ва меҳнат бозорларини фаолиятини олиб бориш мақсадида табақалаштирилган солиқ тизимларини шакллантириш бўйича маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини очик-ойдин белгилаб қўйиш ўринлидир.

Тўртинчидан, минтақалардаги солиқ тартиботининг мувозанатлашиши бюджет эҳтиёжларини таъминлашни мувофиқлаштириш учун маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқини қонунан расмийлаштириш зарур.

Бешинчидан, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва инвестициявий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда имтиёзли солиқ солишнинг устувор йўналишларини белгилаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини кафолатловчи солиқ тадбирлари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш ҳамда тасдиқлаш каби вазифаларни бажаришда маҳаллий ҳокимият органлари ролини ошириш зарур.

Маҳаллий ҳокимиятлар зиммасида уларга тегишли минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдек масъулиятли вазифалар бўлиб, амалда бу масалалар давлат аҳамиятига эга вазифалар бўлиб ҳисобланади. Негаки фуқароларнинг кундалик вазифаларини нечоғлик даражада ижобий ҳал этилиши уларнинг умумий ижтимоий-иқтисодий дунёқарашига бўлган муносабатида исботини топади. Маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириши маҳаллий ҳокимият органлари зиммасидаги вазифаларни бажарилишининг молиявий имкониятларини мустаҳкамловчи бирламчи манба ҳисобланади.

Мамлакатда жорий қилинадиган солиқлар минтақаларда амал қилинадиган солиқ сиёсатига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молиявий-иқтисодий муносабатлардан келиб чиқади. Давлатнинг солиқ сиёсати минтақалар иқтисодиётини барқарорлиги ва ривожланишига бозор муносабатларини амал қилишига ҳар томонлама таъсир этади. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиладиганда мавжуд солиқларни ёки янги киритилиши кутиладиган солиқларнинг моҳияти ва аҳамиятидан келиб чиқилиши ва ривожланиш босқичлари пухта ўрганилиши керак бўлади. Хусусан янги солиқлар киритиладиганда улар илмий жиҳатдан асосланган бўлиши ва амалиётчи мутахассислар ҳамда жамоатчилик орасида муҳокамадан ўтказиб кейин бир қарорга келиниши зарур. Бунда биргина соҳа

мутахассисларининг фикри билангина чегараланиб қолмаслик керак бўлади, чунки айти бир соҳа мутахассислари фақатгина ўз манфаатларини кўзлаб умумдавлат манфаатларини кўра олмасликлари ёки тушуна олмасликлари мумкин.

Солиқ сиёсатини юритишда энг аввало корхона ва ташкилотларни бозор иқтисодиёти шароитидаги эркинликларини инобатга олган ҳолда молиявий мустақиллигига, эркин баҳо белгилашларига монелик қилмаслик ва бюджетга солиқ тўловлари белгиланиётганда демократик асосда фақат ҳукумат белгилаб берган солиқларнигина ундиришни йўлга қўйиш зарурдир. Ҳозирги кунда солиқлар бир томондан корхоналарда тақчил рақобатга бардош бера оладиган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни кўпайишига, иккинчи томондан эса товар баҳосини ошириб сотган ҳолда меҳнатсиз ёки кам меҳнат билан топилган даромадларни чеклашга қаратилган бўлиши зарур. Солиқ сиёсатида аҳолининг турли гуруҳларига нисбатан хилма-хил ёндашиш лозим. Ночор кам таъминланганларга иложи борица солиқдан кўпроқ имтиёзлар бериш ва кам куч сарфлаб кўп даромад олувчи ёки бошқа енгил даромад топувчиларга нисбатан прогрессияли солиқ ставкаларини қўллашдан иборатдир.

Республика бўйича маҳаллий ҳокимлик органлари ўз ҳудудининг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, солиқ ставкаларини белгиланиши тадбиркорларга эркинликлар яратиб беради. Мамлакатимиз иқтисодиётида ҳудудларнинг бир хил ривожланмаганлиги ҳамда турли даражадаги иқтисодий имконият ва салоҳиятга эга эканлиги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим омили ҳисобланади. Маҳаллий солиқлар ва солиқсиз даромадлардан тушумлар маҳаллий бюджетлар харажатларининг жуда кам қисмини қоплаганлиги туфайли маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми бюджетлараро тартибга солиш орқали шакллантирилади. Бунда тартибга солувчи солиқлар асосий ўринни эгаллайди.

Маҳаллий бюджетларнинг умумдавлат бюджети харажатларидаги

улуши ортиб бормокда. Бу эса ўз навбатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролини ошишига олиб келмокда. Маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет ижросидан манфаатдорлигини ошириш ва шунинг асосида бюджет харажатларини тўғри ва оқилона тарзда сарфланиши ва бюджетга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиришни таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 99-моддасида ва қонун ости ҳужжатларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва жойлардаги тегишли ваколатли ҳукумат органлари бюджет бажарилиши даврида бюджет ажратмаларини умумий ҳажмини сақлаб қолганида Қорақалпоғистон Республикасининг тасдиқланган бюджетига маҳаллий бюджетларига шунингдек, бюджет даромадлари ва харажатлари йиллик ва чорақлик ҳажмига керакли бўлган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишлари мумкин бўлади. Қонунга кўра мазкур ўзгаришларни киритиш тартиби белгилаб қўйилган. Бироқ амалиётда айрим ҳолларда юқори бюджетдан харажатлар ҳажмини ўзгартириш учун жойлардаги қуйи бюджетлар ўртасида тақсимланишида қуйи бюджетлар ваколатлари етарлича инобатга олинмаяпти. Харажатларга ўзгартириш киритилганда яъни харажатлар оширилганда қуйи бюджетларга тақсимлаш бир кўрсаткич асосида ҳисоб-китоблар амалга оширилса харажатларга камайиш келганда эса бошқа кўрсаткичлардан фойдаланиб ҳисоб-китоб қилинмокда. Юқоридаги ваколатлар бузулишига йўл қўймаслик учун бюджет харажатларига киритиладиган ўзгаришларни ҳисоб-китоб қилишда туман ёки шаҳар муассасасининг барча кўрсаткичлари аниқ кўрсатилган маълумотлардан фойдаланиш ҳамда киритилаётган ўзгаришларни асосли равишда амалга ошириш лозим

Бюджет ташкилотлари ўзларининг жами кўрсаткичлари акс эттирилган паспортини тузишлари керак. Мазкур паспортда ташкилотнинг қуввати, бино ва иншоотларининг ҳажми, ер майдони ва бошқа барча кўрсаткичлари акс эттирилган бўлиб, ташкилотлар лойиҳаларини тузиш,

Ўзгаришларни ҳисобга олиш ва умуман бюджет ижросининг барча жараёнларида аниқлик ва харажатларнинг манзилли бўлишини таъминлаш маҳаллий бюджетларнинг ваколатлари мустаҳкам бўлишига имкон беради.

Харажатларни бошқариш ваколатлари тартибини белгилаш уни бажарилиши юзасидан масъул ҳокимият даражаси аниқланади. Харажатларни бошқариш ваколатларини белгилашда қуйидаги тамойилларни асос қилиб олиш ўринли бўлади.

Субсидиялар билан таъминланиши, яъни харажат ваколатларини бюджет истеъмолчиларига максимал даражада яқинлигини таъминлаш солиқ тушумлари кўламини иқтисод қилиш, яъни қатор харажатларни марказий даражада кўриб чиқиб амалга ошириш анча қулай ва самарали ҳисобланади.

Ташқи самара ҳисобини юритиш, яъни ҳудудларни бажариши зарурий бўлган мажбуриятларини бажаришларида жамиятнинг эътибори қанча юқори бўлса, уларни бажарилмаслиги эҳтимоли шунча паст бўлади.

## **II БОБ. БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Бюджет даромадларини солиқлар орқали ташкил этишни амалдаги ҳолати ва таҳлили**

Юқоридаги илмий изланишдан маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқ потенциалидан фойдаланиш борасида фикрлар тўлиқ баён этилмаганлигини алоҳида қайд этиб ўтган эдик. Шунингдек, миллий солиқ ёки бюджет қонунчилигимизда солиқ потенциали тушунчаси ёки ундан фойдаланиш борасида ҳам маълумотлар мавжуд эмас.

Қайд этиб ўтилган иқтисодчилар, тадқиқотчиларнинг фикрини умумлаштириб айтадиган бўлсак, солиқ потенциали мазмунини ёритиш мақсадида турли терминлардан (taxable capacity, tax capacity, tax potential) фойдаланилади. Аксарият тушунчалар ва қарашлар бир-бирига ўхшаш, фарқи эса уларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Фикримизча, уларнинг қарашлари албатта, ҳар бир давлатнинг ўзига хос бўлган миллий солиқ қонунчилиги, солиқ маъмурчилиги, солиқ тизими хусусиятлари билан изоҳланади.

Умуман олганда, мамлакат солиқ потенциали ҳудудлар солиқ потенциали йиғиндисидан иборат, ҳудудлар солиқ потенциали ўз навбатида, солиқ тўловчиларнинг солиқ ва йиғимларни тўлаш салоҳияти сифатида изоҳланиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мақомидан келиб чиқиб маъмурий-ҳудудий бирликларни солиқли даромадлар билан таъминлаш даражаси билан боғлиқ.

Солиқ потенциали макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олиши билан бирга солиқ тўловчининг солиққа тортиш тартиби юзасидан танловини ҳам эътиборга қаратишни назарда тутати. Бу ўз навбатида мамлакатда қўлланилаётган солиқ сиёсати самарадорлиги ва солиқ маъмурчилиги натижадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

Солиқли даромадларнинг муддатли даврларда тушишидан келиб

чиқиб солиқ потенциалини иккита таркибий қисмга ажратиш мумкин:



4-расм. Солиқ потенциали таркибий қисмлари

Стратегик солиқ потенциали турли даврий муддатларда, жумладан прогнозлаштириш ва режалаштириш услубиятидан келиб чиқиб, бир йиллик (қисқа), 3-5 йиллик (ўрта), 5-10 йиллик (узоқ) муддатларда ҳисобланади.

Ҳақиқий солиқ потенциали – ҳисобот йилининг муайян давридаги солиқ ва йиғимлар тушуми ҳисобланади. Ҳақиқий солиқ потенциали ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришни тартибга солиш ва мониторинг қилишда маълумот манбаи бўлиши билан бирга ҳудуд бошқарувининг объекти ҳам ҳисобланади. Сабаби ҳар бир ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар) маълум вақт оралиғида солиқлар ва йиғимлар кўринишида даромад олади ҳамда уни максимал даражага етказишга ҳаракат қилади.

Стратегик ёки истиқболли солиқ потенциали - солиқли тушумлар шаклида истиқболда даромад келтирувчи солиққа тортиш базалари имкониятидир. Ушбу кўрсаткич узоқ муддатли даврга солиқли даромадларни баҳолашнинг мақбул воситаси сифатида намоён бўлади.

Маҳаллий солиқлар салмоғининг ошишига Ҳукуматимиз томонидан маҳаллий бюджетларнинг жамият ҳаётида ролини ошириш мақсадида унинг даромад манбасини ошириш учун қабул қилинаётган қарорлари сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида маҳаллий солиқларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларининг умумий ҳажмида салмоғини ўсишига эришилмоқда.

Ҳаракатда бўлган солиқ турлари каби жисмоний шахслардан

ундириладиган мол-мулк ва ер солиғини мавжуд механизмини назарий жихатдан таҳлили бу солиқ турини ундиришни ҳам янада такомиллаштириш лозим, деган хулосани чиқаришга имкон беради. Қайд этиш лозимки, жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк ва ер солиғини ундириш механизми бошқа солиқ турларини ундириш механизмларидан бир мунча фарқ қилади, бу фарқ уларнинг бироз мураккаблиги билан тавсифланади. Биз бу ерда мураккаблик деганда солиқларни ҳисоблашни эмас, балки, бу солиқ турларини ундириш механизмини назарда тутамиз. Масалан, жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғини ёки тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромад солиғини ундириш жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк ва ер солиғига нисбатан осон ва қулайлиги билан ажралиб туради. Чунки, даромад солиғи шахс ишлайдиган ташкилот томонидан ушлаб қолинса, тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатмаслик учун қатъий солиқни ўзи масъулиятни сезган ҳолда тўлашга ҳаракат қилади. Бу солиқ хизмати органлари ишини енгиллаштиради. Аммо, жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк ва ер солиғи хусусида бундай фикрни келтириш унчалик ўринли эмас. Сабаби, аҳоли юқорида санаб ўтилган солиқларга нисбатан мол-мулк ва ер солиғини тўлашдан манфаатдорлик даражаси паст, шу сабабли улар бу солиқларни ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилмайдилар. Бу ҳолатлар шундай хулосага олиб келадики, жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк ва ер солиғини такомиллаштиришда ушбу солиқларни ундириш билан боғлиқ жараёнларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солиғини ундиришда солиқ тўловчиларнинг сони кўп бўлса-да, ҳисобланган солиқ ҳажмининг камлиги ҳамда мазкур солиқларнинг маъмурчилигида қийинчиликлар уларни ундиришдаги муоммоларни келтириб чиқармоқда.


Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг маълумотларига асосан ўрганилганда солиқ хизмати идоралари томонидан жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солиқларининг ҳисобга берилиши Республика бўйича мол-мулк солиғи 2016 йилда 424439,3

млн. сўм, 2017 йил учун 472086,6 млн сўмга ёки 11,2 фоизга ошган бўлса, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи 2016 йилда 372152,1 млн. сўм, 2017 йилда 437312,8 млн. сўмга ёки 17,5 фоизга ошган.

2017 йилда жимоний шахслардан олинадиган даромад солиғи учинчи ва туртинчи ставкалари 0,5 фоиз пунктга камайтирилди, фуқароларнинг шахсий жамғарилиб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига ажратмалар миқдори 1% дан 2% гача оширилганига қарамай, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган тадбирлар бюджет даромадларида ўз аксини топмоқда, хусусан, жисмоний олинадиган даромад солиғи тушумлари бўйича кўтилаётган тушумлар 6,3 трлн.сўмни ташкил қилиб, белгиланган прогноз кўрсаткичлари 1,1 трлн.сўмга ортиғи билан бажарилиши таъминланади.

2018 йилдан бошлаб жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни инвентаризация қиймати 1,7% солиқ урнига кадастр қийматидан 0,2% ставкада ҳисоблаш тартиби жорий қилинди. Жимоний шахслар мол-мулкини солиққа тортиш тизими ўзганганлиги ва маъмурчиликнинг яхшиланиши ҳисобига мазкур даромад тури бўйича даромадлар 2017 йил кўрсаткичига нисбатан 21,2 фоизга ўсмоқда.

**5-расм. Мол-мулк солиғи ҳисоблаш тартиби ўзгариши билан тушумларнинг ошиши**



**2017 йилда ҳудудлар кесимида жисмоний шахсларга ҳисобланган  
мол-мулк ва ер солиқлари суммаларининг ўтган йилга нисбатан  
солиштирма маълумот, млн.сўмда<sup>27</sup>**

| Худудий<br>ДСИлар номи    | Мол-мулк солиғи бўйича<br>ҳисобланган |                     |             |      | Ер солиғи бўйича ҳисобланган |                     |             |      |
|---------------------------|---------------------------------------|---------------------|-------------|------|------------------------------|---------------------|-------------|------|
|                           | 2016 й.<br>млн. сўм                   | 2017 й.<br>млн. сўм | Фарқи       |      | 2016 й.<br>млн. сўм.         | 2017 й.<br>млн. сўм | Фарқи       |      |
|                           |                                       |                     | млн.<br>сўм | %    |                              |                     | млн.<br>сўм | %    |
| Қорақалпоғис-<br>тон      | 13590,1                               | 15356,5             | 1766,4      | 13,0 | 17132,1                      | 20117,3             | 2985,2      | 17,4 |
| Андижон                   | 33740,1                               | 33831,8             | 91,7        | 0,3  | 28983,1                      | 32732,3             | 3749,2      | 12,9 |
| Бухоро                    | 23858,7                               | 26936,8             | 3078,1      | 12,9 | 24799,7                      | 29 948,2            | 5148,5      | 20,8 |
| Жиззах                    | 13310,6                               | 14991,6             | 1680,9      | 12,6 | 10925,5                      | 12766,6             | 1841,2      | 16,9 |
| Қашқадарё                 | 27674,3                               | 31014,4             | 3340,1      | 12,1 | 25267,6                      | 30621,2             | 5353,5      | 21,2 |
| Навоий                    | 13800,4                               | 15464,4             | 1663,9      | 12,1 | 10072,8                      | 11678,5             | 1605,7      | 15,9 |
| Наманган                  | 30175,4                               | 33704,4             | 3529,1      | 11,7 | 32275,6                      | 37547,8             | 5272,2      | 16,3 |
| Самарқанд                 | 57153,3                               | 65365,5             | 8212,2      | 14,4 | 42404,8                      | 48476,0             | 6071,2      | 14,3 |
| Сурхондарё                | 20203,8                               | 22670,2             | 2466,4      | 12,2 | 30647,6                      | 35485,5             | 4837,9      | 15,8 |
| Сирдарё                   | 9325,1                                | 10114,0             | 788,9       | 7,4  | 8 029,6                      | 9 555,2             | 1 525,6     | 19,0 |
| Тошкент                   | 58 551,1                              | 64 724,4            | 6 173,2     | 10,5 | 35 051,5                     | 41 304,6            | 6 253,1     | 17,8 |
| Фарғона                   | 39 490,4                              | 44123,2             | 4 632,8     | 11,7 | 44 920,2                     | 53 151,7            | 8 231,5     | 18,3 |
| Хоразм                    | 22869,4                               | 22774,5             | -94,9       | -0,4 | 23575,3                      | 27228,7             | 3653,4      | 15,5 |
| Тошкент ш.                | 60 696,7                              | 71 014,9            | 10318,2     | 17,0 | 38 066,7                     | 46 699,1            | 8 632,4     | 22,7 |
| Республика<br>бўйича жами | 424439,3                              | 472086,6            | 47647,3     | 11,2 | 372152,1                     | 437312,8            | 65160,6     | 17,5 |

Республика фоиз кўрсаткичларини ҳудудлар кесимида солиштирганда жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи бўйича Андижон вилояти 0,3 фоизга, Сирдарё вилояти 7,4 фоизга ошган холос, Хоразм вилоятида 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 94,9 млн. сўмга кам ҳисобланган. Ушбу таҳлилдан кўриниб турибдики, ҳудудий Андижон, Сирдарё, Хоразм вилояти солиқ бошқармаларидаги мазкур солиқни ҳисоблашни қайта кўриб чиқиш лозим.

Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солиқларини

<sup>27</sup>Ўзбекистон Республикас Давлат Солоқ Қўмитаси маълумотлари асосида.

ундирувчанлигига таъсир этувчи муаммоли яна бир масала мазкур солиқ турларидан бўлган солиқ қарздорлиги бўлиб ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 6 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги билан амалдаги Солиқ Кодексининг 59-моддасига “Бунда солиқ қарзининг суммаси ундирувни мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган, бироқ тўлаш муддати тугаганидан кейин бир йил ичида тўланмаган тақдирда ҳам солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш чоралари қўлланилади” ҳамда, 61-моддасига «Солиқ қарзининг суммаси ундирувни мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган, бироқ тулаш муддати тугаганидан кейин бир йил ичида тўланмаган ҳолларда ҳам ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш чоралари қўлланилади»<sup>28</sup> деб киритилган ўзгартиришлар мазкур солиқ турларидан мавжуд солиқ қарздорлигини ундиришда асос бўлиб хизмат қилди.

Бунда солиқ қарздорлигини жавобгарнинг шахсий мол-мулкига қаратишда мажбурий ундирувни амалга оширишда солиқ органларининг ваколатларини ошириш лозим бўлади. Жисмоний шасларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан мавжуд солиқ қарздорликларини ундиришда суд органлари фаолиятини ҳам такомиллаштириш зарурати юзага келади. Судларнинг иш юритувида иш ҳажмларининг ортиши ўз навбатида мазкур ишларни кўриб чиқишда муддатларнинг кўп вақт талаб этишини инобатга олиб,

---

<sup>28</sup> Ў.Р.Қ. 417-сонли “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52- сон, 598-модда

конунчиликда аниқ ишларни кўриб чиқиш учун муддатлар белгилаш ва мол-мулкка қаратиш учун суд буйруқларини олиш учун талаб этиладиган ҳужжатларни оптималлаштириш, солиқ хизмати идоралари билан суд органларининг электрон ҳужжат алмашинувини самрали йўлга қўйиш лозим бўлади.

## **2.2. Бюджет даромадларини таҳлил қилиш усуллари**

Бюджет даромадларини таҳлил қилиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш масалалари давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади, деб хулоса қилсак муболаға бўлмайди.

Бюджет даромадларини таҳлил қилишнинг асосий мақсади - молия ресурсларини самарали шакллантириш ва давлат вазифаларини бажариш учун қабул қилинадиган қарорларни зарур маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Бюджет даромадларини таҳлил қилиб бориш қуйидаги масалаларни ҳал этишда ёрдам беради:

- жорий йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрларини бажарилишини таъминлаш;
- солиқ ва божхона сиёсати йўналишларини ишлаб чиқиш;
- иқтисодиётдаги ўзгаришларнинг Давлат бюджетига таъсирини ўрганиш;
- солиқ маъмурчилигини яхшилаш имконини беради.

Бюджет даромадларини таҳлил қилиш ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, ҳудудий молия ва ғазначилик, солиқ ва божхона идоралари томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Бироқ, даромадларини таҳлил қилиш бўйича расмий тасдиқланган тартиб ёки йўриқнома ҳозирги кунгача ишлаб чиқилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳозирги кунда

бюджет даромадларини таҳлил қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш молия, солиқ, ғазначилик ҳамда божхона идоралари олдида турган долзарб ва муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бу борада нафақат хорижда, балки мамлакатимизнинг ҳам кўплаб олимлари ва мутахассислари ўз илмий ишларида молиявий таҳлил усуллари тўғрисида тўхталиб ўтганлар. Хусусан, А. Лаффер<sup>29</sup> “Солиқ юки даражаси ва бюджет даромадлари ўртасидаги боғлиқлик”, А. Кйобе, А. Шеремет, М. Баканов, М. Мельник, С. Даннингер каби хориж олимлари иқтисодий таҳлил қилиш усуллари ва Давлат бюджети даромадларига оид ўз фикр-мулоҳазаларини илгари сурган<sup>30</sup>.

Маҳаллий олимларимиздан эса А. Жўраев, Н. Ҳайдаров, Т. Маликов, Қ. Яхъеев<sup>31</sup> миллий иқтисодиётимиз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бюджет даромадлари манбалари ва унга таъсир қилувчи омиллар тўғрисида тадқиқотлар ўтказганлар.

Тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган услублар ёрдамида бюджет даромадлари динамикасини аниқлаш, тушумларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш, Давлат бюджети даромадларининг қўшимча резервларини топиш мумкин.

Бюджет даромадларини юқорида номи келтирилган услублар асосида таҳлил қилиш билан, ҳудуднинг даромадлар базаси динамикасининг ўзгариши, солиқ маъмурчилигининг ҳолати каби муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Ўз ўрнида, бюджет даромадларини таҳлил қилишнинг асосий қўлланиладиган усуллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- мутлақ миқдорлар таҳлили;

---

<sup>29</sup> Arthur B. Laffer, Jan P Seymour. The economics of the tax revolt. – New York: Harcourt Brace Jovanovich, 1979 - 138 p.

<sup>30</sup> Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финансы и статистика, 2007, - 536 с.

<sup>31</sup> Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 224 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 279 б.; Маликаов Т.С., Хайдаров Н.Х. Давлат бюджети. – ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод ва молия”. 2007. – 21 б.; Тошмурадова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. Ў.Т.: Янги аср авлоди. 2002. – 128 б.; Яхъев А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ў.Фулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. – 230 б.

- горизонтал таҳлил;
- вертикал таҳлил;
- маълум ҳолатлар (фактор) бўйича таҳлил (бир неча усуллари ўз ичига олади).

Юқорида кўрсатиб ўтилган усуллариинг ҳар бири ўзига хос вазибаларни бажариб, мутлақ миқдорлар таҳлили жами даромадларнинг миқдори харажатларни қоплай олишини аниқлаб берса, горизонтал таҳлил ёрдамида ўтган йилга нисбатан даромадларнинг ўсишини аниқлаб беради. Қуйида бу таҳлил усуллариинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

### **1. Мутлақ миқдорларда таҳлил қилиш усули.**


Мазкур таҳлил усули Давлат бюджетига тушадиган даромадлар тушуми тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва гуруҳлаш орқали амалга оширилади, бунда даромадлар тўғрисидаги маълумотлар ҳудудлардан йиғилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайтидан олинган маълумотларга кўра, 2018 йилда бюджет даромадлари 62 229,5 млрд. сўмни, жумладан бевосита солиқлар 12 805,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, унинг таркибида юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқлар 2 510,9 млрд. сўмни, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ЯСТдан ажратмалар 1 907,6 млрд. сўмни, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯСТдан ажратмалар 2 110,5 сўмни, жисмоний шахсларнинг даромад солиқлари 5 198,8 млрд. сўмни, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича белгилаб қўйилган солиқ 1 077,6 млрд. сўмни ташкил этган. Шунингдек эгри солиқларни ҳолатини кўриб чиқадиган бўлсак билвосита солиқлар 33 404,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб унинг таркибини қўйидагича бўлган, яъни қўшилган қиймат солиғи 22 019,4 млрд. сўмни, акциз солиғи 8 343,8 млрд. сўмни, божхона божи 1 415,3 млрд. сўмни, бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли учун солиқ 1 323,2 млрд. сўмни, абонентлик рақамини ишлатганлик учун тўлов 302,5 млрд. сўмни ташкил этган. Ресурсга доир тўловлар ва мулк солиғи 9 714,5 млрд. сўмни, мол-мулк

солиғи 2 158,9 млрд. сўмни, ер солиғи 1 266,6 млрд. сўмни, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ 6 203,1 млрд. сўмни, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 85,9 млрд. сўм, қўшимча фойдадан солиқ 1 367,7 млрд. сўм, бошқа даромадлар ва солиққа оид бўлмаган бошқа тушумлар 4 937,6 млрд. сўмни ташкил қилган<sup>32</sup>.

**6-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2018йил ижро ва 2019 йил лойиҳаси бўйича ҳолат**

трлн.сўм



Демак, бу таҳлилда ёндашадиган усулга кўра, бюджет даромадлари тўғрисида манбалардаги маълумотлар, даврлар ёки ҳудудлар бўйича мутлак микдорларда кўриб чиқилади.

**2. Давлат бюджети даромадларини горизонтал таҳлил қилиш**

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти <http://www.mf.uz>

**усули.**

Турли ижтимоий-иқтисодий омиллар ва жорий солиқ-бюджет сиёсати бюджет даромадларининг турли даврларда (ой, чорак, йил, ...) миқдорининг ўзгариб туришига ўз таъсирини ўтказади. Бунда тасдиқланган Давлат бюджет параметрлари ижросининг ҳолати мамлакат молиявий ҳолатига баҳо беришнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади.

Хусусан, оммавий ахборот воситаларида бюджет даромадлари тўғрисидаги берган таҳлилий маълумотлар, аввало, бюджет даромадлари режасининг бажарилиши ёки ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатларига асосий эътибор қаратилади. Шу нуқтаи назардан, **даромадларни горизонтал таҳлил қилишда** даромадлар бошқа давр даромадларига нисбатан, ёки тасдиқланган режага нисбатан солиштирилади.

### **3. Бюджет даромадларини вертикал таҳлил қилиш усули.**

Бюджет даромадлари қисмида ресурслар шакллантирилаётган даврда, даромад манбалари ва ҳудудларнинг ўрнини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади.

Масалан, солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини белгилашда билвосита солиқларнинг бюджет даромадлари таркибидаги улуши қай даражада ўзгариб бораётганлигини кузатиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яъни, солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда, солиқ юкини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, иқтисодиёт тармоқлари ўртасида оптимал равишда тақсимлаш асосий масалалардан бири бўлганлиги сабабли, Бюджет даромадлари таркибини ўрганиш талаб қилинади.

### **4. Бюджет даромадларини маълум ҳолатлар (фактор) таҳлил қилиш усуллари.**

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Давлат бюджетига тушаётган даромадлар иқтисодиётдаги ва солиқ-бюджет сиёсатида рўй бераётган ўзгаришлар ҳамда бошқа турдаги омиллар таъсирида ё кўп, ё кам йиғилади. Масалан, маълум бир солиқ ставкасини пасайтириш эвазига мазкур солиқтури бўйича тушум миқдорининг камайишига сабаб бўлиши мумкин

бўлса, даромадлар базасини кенгайтирилиши даромадларнинг ошиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Демак, омилларнинг (жумладан, солиқ сиёсати тадбирларининг) Бюджет даромадларига таъсирини ўрганиш даромадларни маълум ҳолатлар бўйича (фактор) таҳлил қилиш услуби ҳисобланади.

Демак бюджет даромадларини, маълум ҳолатлар (фактор) бўйича таҳлил қилиш, давлат бюджети даромадларининг ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни турли миқдор жихатдан анқлаш имкониятини берувчи усул ҳисобланади.

Бюджет даромадларини маълум ҳолатлар (фактор) таҳлил қилиш усуллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

## 2-жадвал

### Бюджет даромадларини омилли таҳлил қилиш усуллари

| Давлат бюджети даромадларини омилли таҳлил қилиш усуллари | Индексли усул               |
|-----------------------------------------------------------|-----------------------------|
|                                                           | Занжирли алмаштириш усули   |
|                                                           | Дифференциал ҳисоблаш усули |
|                                                           | Интеграл усул               |

*Изоҳ: Муаллиф томонидан тайёрланган.*

**Индексли усул.** Даромадлар тушумининг ўзгаришида маълум ҳолатлар (фактор) ролини математик ҳисоблаш ёрдамида аниқлашни қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$\text{даромад} = f(\text{омил1}, \text{омил2}, \text{омил3}, \dots)$$

Масалан,

юримдик шахслардан олинадиган фойда солиғи =  $f(\text{молиявий натижа}, \text{ставка}, \text{имтиёз}, \dots)$

Демак, тушумларнинг ўсишини қуйидаги кўринишда келтирамиз:

$$\text{Ўсиш суръати} = \frac{f - \text{жорий давр (омил 1 жд, омил 2 жд, омил 3 жд, ...)}}{f - \text{базис давр (омил 1 бд, омил 2 бд, омил 3 бд, ... )}}$$

Тушунарили бўлиши учун, ушбу формулада жорий давр-*жд*, базисдавр-*бд* билан белгиланди.

Бу ерда, касрнинг суръатидаги жорий йилдаги даромадларнинг омиллар ёрдамидаги ифодаланади (омил *1жд* – биринчи омилнинг жорий даврдаги қиймати ва ҳ.к.), каср махражида эса базис даврдаги даромадлар келтириб ўтилган (омил *1бд* – биринчи омилнинг базис даврдаги қиймати ва ҳ.к.).

Ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш ўчун, базис даврдаги формулада омилларни навбатма - навбат жорий давр билан алмаштириб чиқилади, яъни:

$$\text{Ўсиш суръати} = \frac{f - \text{жорий давр (омил 1 жд, омил 2 жд, омил 3 жд, ... )}}{f - \text{базис давр (омил 1 бд, омил 2 бд, омил 3 бд, .... )}} \times$$

$$\frac{f - \text{жорий давр (омил 1 жд, омил 2 жд, омил 3 жд, ... )}}{f - \text{базис давр (омил 1 бд, омил 2 бд, омил 3 бд, .... )}}$$

Ифоданинг ўнг томонидаги ҳар бир кўпайтувчи, шу кўпайтувчининг суратидаги базис даврдаги қиймати жорий давр қийматига алмаштирилган навбатдаги омилнинг таъсирини англатади.

**Масалан**, бир ҳудудда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тушумларини омилли таҳлил қиламиз ва бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан шартли равишда фойдаланамиз:

*3-жадвал*

**Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тушумларининг омилли таҳлили**

| <b>Кўрсаткичлар</b> | <b>Базис йилда</b>  | <b>Жорий йилда</b>   |
|---------------------|---------------------|----------------------|
| Молиявий натижа     | <b>9500 млн сўм</b> | <b>10200 млн сўм</b> |
| Солик ставкаси      | 8 %                 | 7,5 %                |

|                                                                          |               |               |
|--------------------------------------------------------------------------|---------------|---------------|
| Имтиёзлилик даражаси (жами ҳисобланган солиқ қийматидан имтиёзлар улуши) | 0,23          | 0,25          |
| Солиқ тушумлари                                                          | 680,0 млн сўм | 700,0 млн сўм |

*Изоҳ: Муаллиф томонидан тайёрланган.*

Демак, бу кўрсаткичларни математик ифода шаклга келтирадиган бўлсак:

|              |               |                        |                              |                             |                                                                                     |
|--------------|---------------|------------------------|------------------------------|-----------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|
| Базис йилда: | 680,0 млн сўм | 9500 млн сўм           | 8 фоиз                       | (1-0,23)                    | 1,16                                                                                |
| Жорий йилда  | 700,0 млн сўм | 10200 млн сўм          | 7,5 фоиз                     | (1-0,25)                    | 1 22                                                                                |
|              | Тушум         | 1-омил молиявий натижа | 2-омил ўртача солиқ ставкаси | 3-омил имтиёзлилик даражаси | 4-омил баҳолаб бўлмайдиган ёки баҳолаш мураккаб бўлган омилларнинг жамланма қиймати |

Энди бу ифодаларни, омиллар таъсирини аниқлаш учун юқорида айтиб ўтилган формула шаклига келтирамиз.

$$\frac{700,0}{680,0} = \frac{10200 \times 8\% \times (1 - 0,23) \times 1,16}{9500 \times 8\% \times (1 - 0,23) \times 1,16} \times \frac{9500 \times 7,5\% \times (1 - 0,23) \times 1,16}{9500 \times 8\% \times (1 - 0,23) \times 1,16} \times \frac{9500 \times 7,5\% \times (1 - 0,25) \times 1,16}{9500 \times 8\% \times (1 - 0,23) \times 1,16} \times (\text{бошқа омиллар таъсири})$$

Арифметик ҳисоблашлар амалга оширилгандан сўнг, ифода қуйидаги кўринишга келади.

$$1,029 = 1,072 \times 0,936 \times 0,972 \times 1,055$$

Бундан хулоса қилиш мумкинки, жорий даврда ва бунда:

- молиявий натижанинг ўсиши натижасида тушумлар 7,2 фоизга ўсиб;
- солиқ ставкасининг пасайтирилиши тушумларни 6,4 фоизга (1-0,936) камайиб;
- имтиёзлилик даражасининг ошиши ҳисобига тушумлар 2,8 фоизга (1-0,972) камайиб;
- бошқа омиллар ҳисобига эса 5,5 фоизга кўпайиб, тушумларнинг ўсиши умумий ҳолда 2,9 фоизни ташкил қилди.

### Занжирли алмаштириш усули.

Бу усул ҳам индексли усулга ўхшаш бўлиб, фақат омилларнинг базис даврдаги қийматини жорий даврдаги қийматига алмаштириш тартиби билан фарқ қилади ва қуйидаги шаклда амалга оширилади: Тушунарлироқ бўлиши учун, бир ҳудудда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслардан олинадиган қатъий белгиланган **даромад солиғи тушумларига** доир мисол кўриб чиқамиз.

4-жадвал.

#### Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи тушумларининг омилли таҳлили

|                        |                                                                                                                                                                              |
|------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1-омилнинг<br>натижаси | $\frac{f - \text{жорий давр (омил 1 жд, омил 2 бд, омил 3 бд, ...)}}{f - \text{базис давр (омил 1 бд, омил 2 бд, омил 3 бд, ... )}}$                                         |
| 2-омилнинг<br>натижаси | $\frac{f - \text{жорий давр (омил 1 жд, омил 2 жд, омил 3 бд,...)}}{f - \text{базис давр (омил 1 бд, омил 2 бд, омил 3 бд,...)}} - 1\text{-омилларнинг таъсири}$             |
| 3-омилнинг<br>натижаси | $\frac{f - \text{жорий давр (омил 1 жд, омил 2 жд, омил 3 бд,...)}}{f - \text{базис давр (омил 1 бд, омил 2 бд, омил 3 бд,...)}} - 1\text{ва } 2\text{-омилларнинг таъсири}$ |
|                        | (суратда барча омиллар навбатма-навбат алмаштириб борилади)                                                                                                                  |
| n-омилнинг<br>натижаси | $\frac{f - \text{жорий давр (омил 1 жд, омил 2 жд, омил 3 бд,...)}}{f - \text{базис давр (омил 1 бд, омил 2 бд, омил 3 бд,...)}} - 1,2,3,\dots,n\text{-омилларнинг таъсири}$ |

Изоҳ: Муаллиф томонидан тайёрланган.

Бу кўрсаткичларни математик ифода шаклга келтирадиган бўлсак:

| Кўрсаткичлар                  | Базис йилда                            | Жорий йилда                             |
|-------------------------------|----------------------------------------|-----------------------------------------|
| Тадбиркорлар сони             | 1 600 нафар                            | 1 650 нафар                             |
| Энг кам ойлик иш ҳақи микдори | 96 105 сўм                             | 118 400 сўм                             |
| Уртача солиқ ставкаси         | Энг кам ойлик иш ҳақининг 3,5 баробари | Энг кам ойлик иш ҳақининг 3,65 баробари |
| Солиқ тушумлари               | 6 350,0 млн сўм                        | 8 240,0 млн сўм                         |

Омилларнинг тушумлар ўзгаришидаги ўрнини аниқлашга ўтамиз:

|              |                |   |            |   |     |   |       |   |       |   |       |
|--------------|----------------|---|------------|---|-----|---|-------|---|-------|---|-------|
| Базис йилда: | 6350,0 млн сўм | = | 1600 нафар | x | 3,5 | x | 96105 | x | 12 ой | x | 0,983 |
|--------------|----------------|---|------------|---|-----|---|-------|---|-------|---|-------|

|                 |                   |   |                                   |   |                                             |   |                                                    |   |                          |   |                                                                                                                       |
|-----------------|-------------------|---|-----------------------------------|---|---------------------------------------------|---|----------------------------------------------------|---|--------------------------|---|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Жорий<br>йилда: | 8240,0 млн<br>сўм | = | 1650 нафар                        | х | 3,65                                        | х | 118400                                             | х | 12<br>ой                 | х | 0,963                                                                                                                 |
|                 | Тушум             |   | 1 омил -<br>тадбиркор<br>лар сони |   | 2 омил -<br>ўртача<br>солиқ<br>ставкас<br>и |   | 3 омил -<br>энг кам<br>ойлик иш<br>хақи<br>миқдори |   | Йилдаги<br>ойлар<br>сони |   | 4 омил -<br>баҳолаб<br>бўлмайдига<br>н ёки<br>баҳолаш<br>мураккаб<br>бўлган<br>омилларни<br>нг<br>жамланма<br>қиймати |

Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, индексли усул ва занжирли алмаштириш усуллари камчиликларга эга, яъни ушбу усулларда омилларнинг тартибини ўзгартириш натижанинг бошқача келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳисоблаш жараёнининг мураккаблиги ҳамда мақола ҳажмидан келиб чиқиб, дифференциал ҳисоблаш усули ва интеграл усулининг моҳияти ва улардан фойдаланиш тартиби мазкур мақолада келтирилмайди.

Давлат бюджети даромадларини тўғри таҳлил тегишли хулосалар чиқариш, Давлат бюджети учун қўшимча резервлар қидириб топиш (айнан таҳлил натижалари ёрдамида аниқлаш мумкин) ва даромадларнинг ўсиш суръатларини ҳаражатларнинг ва бошқа ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга мос ҳолда таъминлаш молия, солиқ ва божхона идораларининг ҳозирги кундаги асосий долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, амалда Давлат бюджети даромадларини таҳлил қилиш бўйича алоҳида йўриқнома ва тавсиялар ишлаб чиқилмаганлиги боис, қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- молия, солиқ ва божхона идоралари мутахассислари учун Давлат бюджетига ундирилаётган тушумларни чуқур таҳлил қилиш юзасидан махсус

Йўриқнома ишлаб чиқиш;

- мазкур идораларда Давлат бюджети даромадларини таҳлил қилиш учун зарур маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг доимо янгиланиб туришини таъминловчи дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- тегишли мутахассисларнинг малакасини ошириш юзасидан семинарлар, ўқув курсларини ташкил қилиш ва зарур адабиётлар билан таъминлаш.

Айниқса, жорий йилда туман ва шаҳар молия бўлимларида бюджет даромадларини таҳлил қилиш бўйича мутахассис лавозимининг жорий қилинганини инобатга оладиган бўлсак, ушбу мутахассисларни зарур йўриқномалар билан таъминлашда ҳам ушбу мақолада келтириб ўтилган усуллар фойдали бўлади.

Ўйлаймизки, ушбу мақолада келтириб ўтилган таҳлил қилиш усуллари, Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш, таҳлил қилиш ва ундириш билан шуғулланувчи мутахассисларга амалий кўмак бўлиб хизмат қилади.

### **2.3. Маҳаллий бюджет даромадларини тартибга солишда умумдавлат солиқларидан ажратиладиган маблағларни нормаллаштириш омиллари**

Барча мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам бюджет даромадлари таркибида солиқли даромадларнинг ҳиссаси сезиларли даражада юқорилиги билан ажралиб туради (90 % га яқин). Россияда бу кўрсаткич 72 %, АҚШда 90 %, Қозғистонда 95 % га яқинни ташкил этади. Ушбу солиқли даромадларни турли даражадаги бюджетлар баланслашганлигини таъминлаш мақсадида бюджетлар ўртасида тақсимлаш муаммосига ўтиш босқичидаги барча давлатлар бюджетлараро муносабатлар тизимини ислоҳ қилиш жараёнига дуч келмоқда.

Бунга асосий сабаб ханузгача тартибга солувчи солиқларнинг

махаллий бюджет харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб қолаётганлигидир. Бу бир томондан бюджетлараро муносабатларини ажрал-мас таркибий қисми бўлса, бошқа томондан самарали бюджетларо муносабатлар ислохотини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Чунки бундай тартибга солувчи даромадлардан меъёрий ажратмалар ажратиш амалиёти маҳаллий бюджетларни шакллантиришда бекарорлик ва ноаниқликни келтириб чиқариши, маҳаллий бюджетлар солиқ йиғимларини ошириш ҳамда солиқ имкониятларини кенгайтиришга қизиқишини рағбатлантирмаслиги мумкин.

Халқаро амалиётда солиқ ваколатларини бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг 3 та асосий моделидан фойдаланилади. Федератив тизим ҳамда кўп муниципал субъектларга эга мамлакатлар амалиётида кўп ҳолларда барча 3 та моделдан фойдаланиш кузатилади.

Биринчи модель - солиқларни йиғиш бўйича ваколатлар чегараларини ўрнатиш ва уларни маълум ҳукумат даражасига бириктириш. Ўзбекистон амалиётида ушбу моделдан фойдаланилади, расман ҳар бир солиқ тури қайсидир бюджет даражасига бириктирилган, яъни умумдават ва маҳаллий солиқлар. Таъкидлаш жоизки, деярли барча мамлакатлар бюджетлараро муносабатлар амалиётида ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий солиқларни ўрнатишдаги ваколоти чекланганлиги туфайли ушбу моделдан қисман четга чиқиш юз беради, яъни солиққа тортишнинг барча асосий элементлари республика солиқ қонунчилиги асосида аниқланади.

Иккинчи модель - солиққа тортиш базасидан биргаликда фойдаланиш. Бу моделдан Россия Федерациясида фойдаланилишини кузатишимиз мумкин. Хусусан, корхона фойдасига солиқ ставкаси 20% ни ташкил этади, унинг 2% даги миқдори Федерал Бюджетга тушиши кўзда тутилган бўлса, қолган 18% и РФ субъектлари ихтиёрида қолади.

Учинчи модель - бутун мамлакат ҳудудида ягона ставкада солиққа тортиладиган аниқ солиқлардан келиб тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида меъёрий тақсимлаш. Бунда солиқларнинг бюджетлараро тақсимооти асосида турли хил мезонлар ётиши мумкин: аҳоли сони, бирор-бир ҳудуднинг географик жойлашуви, иқтисодий аҳволи ва ҳ.к. Солиқларни тақсимлаш миқдори ва тартиби турли муддатларга ўрнатилиши мумкин. Умумда давлат солиқларининг бир қисми тегишли давлат органи томонидан ўрнатилган меъёрлар бўйича бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикасида биринчи ва иккинчи моделлар бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш учун кенг қўлланилади. Хусусан, юқорида таъкидланганидек, биринчи моделга асосан солиқлар маълум бир бюджет даражасига бириктирилган. Иккинчи модель, тартибга солувчи солиқларни маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланишида фойдаланилади.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ йиғимларини йиғиш, ўз навбатида, юқори бюджетдан субвенция ва молиявий ёрдамнинг бошқа шакллари олинишини қисқартириш фаоллиги ва қизиқишини ошириш мақсадида режалаштирилган кўрсаткичлардан ортиқча йиғилган солиқларни тақсимлашнинг аниқ ва тушунарли механизмини ишлаб чиқиш зарур. Бу режадагидан ортиқча йиғилган солиқларнинг маҳаллий бюджетларда қоладиган миқдорини аниқлаш ва уларнинг қонуний асосда тасдиқланишини кўзда тутати.

Ҳозирги кунга келиб, ушбу солиқларни тақсимлаш умуман тушунарсиз, республика ёки маҳаллий бюджетлар жорий эҳтиёжларига боғлиқ усуллар ёрдамида амалга оширилмоқда. Яъни, одатда, ортиқча бюджет воситалари йиғилиши ҳолатида, бу воситалар юқори бюджетга ундирилади ёки молиявий ёрдам (субвенция, дотация, бериладиган даромадлар) миқдorigа мувофиқ равишда қисқартирилиши кузатилади.

Ортиқча воситалар жамланишидан маҳаллий бюджетларни рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш лозим, худди шундай амалиёт бир қатор ривожланган мамлакатларда фойдаланилади. Хусусан, Японияда ортиқча йиғилган маблағлар йиғилиши ҳолатида бу маблағларнинг бир қисми маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдирилади. Бошқа мамлакатларда ҳам 10:90, 20:80 нисбатларнинг қўлланилиши кузатилади, яъни ортиқча йиғилган маблағларнинг 10 фоизи маҳаллий бюджет ихтиёрига, қолган 90 фоизи республика бюджетига ўтказилади. Фикримизча, республикамизда ҳам рағбатлантиришнинг бундай усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ булар эди.

Юқори иқтисодий ва солиқ имкониятига эга вилоятлар ортиқча бюджет воситаларини 10:90 нисбатда тақсимлаш орқали:

- даромадлари харажатларидан ортиқча бўлган вилоятлар ҳудудида солиқларни йиғишга қизиқиш сақлаб қолинади;

- баланслашган бюджетга эга ёки нисбатан кичик миқдордаги дефицитли вилоятларда солиқ йиғимларини ошириш учун рағбат яратилади.

Юқорида келтирилган фикрларни амалда қўллаш, бизнингча, республикамиз маҳаллий давлат органларини ҳудудлар солиқ салоҳиятини кенгайтириши, шу билан бирга маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириши имконини яратади. Бу ўз навбатида, маҳаллий бюджетларнинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли ошишига олиб келади.

### **III БОБ Бюджет даромадларини маҳаллий солиқлар орқали ташкил этишни самарали бошқаришни истиқболлари**

#### **3.1. Маҳаллий бюджетларни баланслаштиришда маҳаллий солиқларни таъсири**

Мамлакатда ислохотларни амалга ошириш босқичида солиқ ва ваколатларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш механизми, бизнинг фикримизча, ўзида янада мураккаб тизим сифатида номоён бўлади. Солиқ ваколатларини ҳамда харажат мажбуриятларини бюджетлар ўртасида тақсимлаш амалиёти - қийин ва мураккаб жараён бўлибгина қолмай, бюджетлараро муносабатлар тизимини шакллантиришда ўтиш босқичи муаммоларининг кўп қирралигини кўрсатиб беради. Бундай шароитларда маҳаллий бюджетлар баланслашганлигини таъминлаш ҳамда унинг манбаларини такомиллаштириш янада муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларни баланслаштириш манбалари қуйидаги расмда акс эттирилган.



**7-расм. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларни баланслаштириш манбалари.**

Бюджет кодексига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар баланслашган бўлиши лозим, яъни ушбу ҳудудлар бюджетлари тақчиллигига йўл қўйилмайди<sup>1</sup>. Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар баланслашганлиги умумдават солиқларини Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ҳамда юқори турувчи бюджетлардан бериладиган меъерий ажратмалар ва молиявий ёрдамни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳисобига амалга оширилади. Ўзбекистон амалиётида деярли барча умумдават солиқларидан тартибга солувчи солиқ сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қоидаларига мувофиқ меъёрларни аниқлашда маҳаллий ва умумдават солиқлари ҳамда тегишли бюджетлар минимал харажатлари прогнози амалга оширилиб, унга мувофиқ ажратмалар меъёри аникланади.



#### **8-расм. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланадиган умумдават солиқлари**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига ажратмалар меъёри ҳар йили Олий Мажлис томонидан давлат бюджети қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон

Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади. Туман ва шаҳарлар бюджетларига ажратмалар миқдори ҳам ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари асосида кўриб чиқилади ва тасдиқланади

Тартибга солувчи солиқли даромадлар таркибига назар ташлар эканмиз, 2016-2017 йилларда кичик бизнес субъектлари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови, Тошкент шаҳридан ташқари тўлиқлигича маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилганлигини кўришимиз мумкин. Яна бир эътиборга молик жиҳат Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ихтиёрида ушбу ҳудудда йиғиладиган барча умумдават солиқлари тўлиқ ҳажмда қолдиришидир.

Бюджетлараро муносабатларнинг Ўзбекистон Республикаси амалиётида қўлланилаётган тартибига асосан маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳаллий бюджетларни таъминланганлик даражасинин ошириш, дотациядан чиқаришга қаратилган дастурларни амалда қўллаш натижасида, ҳамда ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш ҳисобига охириги йилларда маҳаллий солиқларнинг улуши ошганлигини кўришимиз мумкин. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти маҳаллий бюджетлари ўз харажатларининг мос равишда 80% идан ортигини маҳаллий солиқлар ёрдамида қоплаётганлигини кўришимиз мумкин

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда маҳаллий давлат органлари ўрнатилган солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларини тўлиқ жамлашга бўлган қизиқишлари иқтисодий рағбатлантиришларга эга эмас. Маҳаллий давлат органларининг бюджет йиғимларини йиғишда қизиқишларини отттириттт ва маҳаллий бюджетларнинг ўз ички манбалари ҳисобидан

таъминланганлик даражасини янада ошириш мақсадида маҳаллий давлат органларининг ҳудуд солиқ имкониятини оширишга бўлган қизиқишларини ўрганиш ва режалаштирилган кўрсаткичлардан ортиқча йиғилган солиқларни тақсимлашнинг аниқ ва тушунарли механизмини ишлаб чиқиш зарур. Бунга асосан маҳаллий давлат бошқарув органи томонидан кўрсатилган прогноз кўрсаткичлардан ортиқча йиғилган солиқларнинг маълум бир қисми маҳаллий бюджетларда қолиши қонуний асосда тасдиқланиши лозим. Бугунги кунда прогноз кўрсаткичларидан ортиқча йиғилган солиқларни тақсимлаш бўйича ҳеч қандай меъёрий ҳужжат қабул қилинмаган

Ортиқча маблағлар жамланишидан маҳаллий бюджетларни рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш амалиёти бир қатор ривожланган мамлакатларда кузатилади. Хусусан, Японияда ортиқча йиғилган маблағларнинг бир қисми маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдирилади. Бошқа мамлакатларда ҳам 10:90, 20:80 нисбатларни қўлланилиши кузатилади, яъни ортиқча йиғилган маблағларнинг 10 фоизи маҳаллий бюджет ихтиёрига, қолган 90 фоизи юқори бюджетга ўтказилади.

### **3.2. Бюджетни солиқли даромадларини режалаштиришни такомиллаштириш йўллари**

Бюджетни солиқли даромадлари давлат вазифаларини бажариш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш каби жамиятдаги асосий мақсадларни амалга оширишнинг молиявий асосидир. Қолаверса, бюджет даромадларининг шаклланишида муҳим ўрин тутувчи, солиқ сиёсати ҳам макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ўсишга эришишни таъминловчи асосий омиллардан

биридир. Президентимиз Ислом Каримов томонидан солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг принципаал устувор вазифа сифатида белгиланиши, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги устувор вазифаларнинг бажарилиши айнан солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгани ҳам ушбу фикримизнинг исботидир.<sup>33</sup>

Шунингдек, жаҳонда юз бераётган молиявий инқироз айрим мамлакатларда солиқ-бюджет сиёсати йўналишларини қайта кўриб чиқиш масаласи долзарб мавзулардан бири эканлиги оммавий ахборот воситаларида тез-тез учраб турибди.

Бюджет-солиқ сиёсатини оқилона йўналиш ишлаб чиқиш ва унинг самарали ижросини таъминлаш, энг аввало, бюджет даромадларини аниқ ва сифатли режалаштириш билан боғлиқ. Бюджет даромадларини режалаштиришнинг аҳамияти тўғрисида кенгроқ тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

- XX асрнинг етук иқтисодчиларидан бири Д. Кейнс назариясига мувофиқ, иқтисодиётда давлатнинг режалаштирилган харажатлари мамлакат ялпи ички маҳсулотини оширишдаги асосий манбалардан биридир.<sup>34</sup> Давлат харажатларининг режаси эса бюджет даромадларини режалаштириш билан чамбарчас боғлиқ;

- солиқ ва божхона сиёсати йўналишларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни асослаш бюджет даромадларини режалаштириш орқали амалга оширилади;

- давлатнинг узоқ муддатли харажатларини (жумладан, инвестицияларни) самарали ва оқилона амалга ошириш давлат ихтиёрига молиявий маблағларнинг барқарор равишда келиб тушишини талаб этади. Бу эса ўз навбатида бюджет

---

<sup>33</sup> Каримов. И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 218 б.

<sup>34</sup> Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. Пер. с англ. - М.: Издательство МГУ, 1994. – 736с

даромадларини режалаштиришга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади;

- бюджет даромадларини режалаштириш ривожланаётган мамлакатларда солиқ маъмурчилигини яхшилашдаги асосий воситалардан бири ҳисобланадир.<sup>35</sup>

Бу борадаги адабиётлар шарҳи шуни кўрсатадики, хорижий олимлар ва мутахассислар ҳам бюджет даромадларини режалаштириш молиявий сиёсат юритишда асосий омиллардан бири эканлигини таъкидлаб ўтишган. Хусусан, Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари Стефан Даннингер, Марко Кангиано ва Аннетте Кйобеларнинг (2005) қайд этишича, бюджет даромадлари режасини қайта кўриб чиқиш бюджет харажатлари ва бошқарувда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, молиявий сиёсатга ишончни йўқотади.<sup>36</sup> Шунингдек, С.Г. Аюпова (2010) иқтисодиётни самарали бошқаришда бюджет даромадлари режасининг роли катта эканлиги тўғрисида хулосага келган.<sup>37</sup> Умуман олганда, иқтисодий адабиётлар мазкур масалага бағишланган кўплаб илмий ишлар ва мақолалар мавжуд бўлиб, уларда бюджет даромадларини режалаштириш атрофлича ўрганилган ва муҳим аҳамиятга эканлигига баҳо берилган. Жорий йилда бюджет даромадлари тўғри режалаштирилмаганлиги оқибатида Болгарияда<sup>38</sup> ва Украинада<sup>39</sup> тасдиқланган бюджет қайта кўриб чиқиляётганлиги ва бу билан боғлиқ қатор муаммолар юзага келаётганлиги ушбу фикримизнинг яна бир тасдиғидир.

---

<sup>35</sup>Stephan Danninger. Revenue Forecasts as Performance Targets (IMF Working paper WP/05/14). Washington, DC, International Monetary Fund, 2005, 21 p.

<sup>36</sup>Stephan Danninger, Marco Cangiano, and Annette Kyobe. The Political Economy of Revenue-Forecasting Experience from Low-Income Countries. (IMF Working paper WP/05/2). Washington, DC, International Monetary Fund, 2005, 31 p.

<sup>37</sup> Аюпова, С. Г.. Методологические аспекты прогнозирования бюджетных доходов с учетом оценки степени риска поступлений. Экономика. Вып. 26.С. 81-85. (Вестник Челябинского государственного университета. 2010 №6 (187)), с. 4.


<sup>38</sup> [http://www.novinite.com/view\\_news.php?id=152070](http://www.novinite.com/view_news.php?id=152070) дан 25.09.2013й. да олинган.

<sup>39</sup> <http://ubr.ua/finances/macroeconomics-ukraine/kabmin-reshilsia-nasekvestr-budjeta-251255> дан 25.09.2013й. да олинган.

Бюджет даромадларини режалаштиришни назарий жиҳатдан иқтисодий моделлаштириш деб аташ мумкин. Таниқли иқтисодчи олим Н.Г. Мэнкью томонидан тайёрланган иқтисодий моделнинг умумий кўриниши<sup>40</sup> асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган 1-чизма орқали бюджет даромадларини режалаштириш моделининг умумий кўринишини кузатишимиз мумкин.

1-чизма

**Бюджет даромадларини режалаштириш жараёнининг умумий кўриниши**



Манба: Муаллиф томонидан тузилган

1-чизмадан кўринишича, бюджет даромадларини режалаштириш:

экзоген кўрсаткичлардан (масалан, кутилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажми, инфляция даражаси, ...) фойдаланган ҳолда;

олинган маълумотлар ва бюджет даромадлари ўртасидаги илгари кузатилган ёки иқтисодий-математик боғланиш қонуниятларидан келиб чиқиб (тузилган модел ёрдамида);


<sup>40</sup> Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. Пер. с англ. - М.: Издательство МГУ, 1994. -736с.

эндоген кўрсаткичларни (бюджет даромадларини солиқ турлари бўйича, ҳудудлар кесимида, турли муддатлар учун режаларини) ҳисоб-китоб қилишдан иборат.

Ушбу соҳадаги адабиётлар ва бу жараёни амалдаги ҳолатини умумлаштирган ҳолда, бюджет даромадларини режалаштиришни бир неча босқичларга бўлиш мумкин (2-чизма).

2-чизма

### Бюджет даромадларини режалаштириш босқичлари



Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

1-босқичда бюджет даромадларини режалаштириш учун зарур маълумотлар йиғилади. Бунда маълумотлар тегишли манбалардан (масалан, статистика идоралари, турли вазирлик ва идоралар, ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳ.к.) иқтисодий-статистик кўрсаткичлар (корхона ва ташкилотларнинг фойдаси,

савдо корхоналарининг товар айланмаси, инфляция даражаси, аҳоли реал даромадларининг ўсиш суръатлари ва бошқалар) олинади.

2-босқичда эса йиғилган маълумотлар режалаштириш моделини тузиш учун қайта ишланади. Масалан, айрим кўрсаткич динамикасида реал ўсишни аниқлаш учун ҳақиқий маълумотларни солиштирма нархларга айлантириш талаб қилинади ёхуд кўплаб маълумотларни таҳлил қилган ҳолда ўртача кўрсаткичлар ҳисобланиши мумкин.

Шунингдек, бу босқичда маълумотларнинг тўғрилиги ва ўзаро мувофиқлиги ўрганиб чиқилади. Албатта, бу барча олинган маълумотларни қайта текшириб чиқиш дегани эмас, балки маълумотлар ўртасида номутаносибликларни ёки мантиқий жиҳатдан шубҳа туғдирувчи ахборотларни қайта кўриб чиқишдан иборат. Зарур ҳолларда, ҳақиқий маълумотлар ўрнига шартли маълумотлар фойдаланилиши мумкин.

3-босқичда бюджет даромадларини режалаштириш учун модель (балки бир нечта) тузилади ва бу тузилган модел(лар) мавжуд усуллар орқали баҳолаб кўрилади.

4-босқичда тузилган модел ёрдамида келгуси давр учун режа кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

5-босқичда эса ҳисобланган режа кўрсаткичлари баҳоланади. Бунда режа кўрсаткичлари ўтган йилдаги ҳақиқий кўрсаткичлар билан ўзаро солиштириб кўрилади, зарур ҳолларда эса, қўшимча таҳлиллар ўтказилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўнлаб даромад турларини (солиқ ва йиғимлар) ҳудудлар кесимида ва ҳар хил даврлар учун (йиллик, чораклик, ойлик) кўрсатиб ўтилган босқичларда режалаштириш ўзига хос мураккаб ва кўплаб омиллар ва ҳисоб-китобларни талаб қилувчи жараён ҳисобланади.

Шунингдек, ҳар бир босқичда амалга оширилган ҳисоб-китоб ва хулосалар сифати кейинги босқич натижалари учун ҳал қилувчи омил эканлиги сабабли, бюджет даромадларини тўғри ва сифатли режалаштириш учун бу жараённинг ҳар бир қадамига масъулият билан ёндашиш талаб қилинади.

Бюджетни солиқли даромадларининг келгусидаги миқдорини аниқлаш қўлланиладиган режалаштириш усулига чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда бюджет даромадларини режалаштиришнинг жуда кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, улар ичида мукаммали йўқ ҳамда барча ёндашувларнинг бошқаларига нисбатан устун ва камчилик томонлари мавжуд. Илмий адабиётларда кўп учрайдиган ва амалиётда кенг қўлланиладиган усулларнинг моҳияти, уларнинг устунликлари ва камчиликлари тўғрисида 5-жадвал орқали танишишимиз мумкин.

Тадқиқот ишининг мақсади ва ҳажмидан келиб чиқиб, бу жадвалда усулларнинг моҳияти ва бошқа жиҳатлари тўғрисида жуда қисқа маълумотлар берилмоқда, шунингдек ARMA, ARIMA (Box-Jenkins) VAR/VECM моделларидаги формулалар келтирилмади.

Бюджетни солиқли даромадлари режаси бўйича таваккалчилик даражасини камайтириш, зарур маълумотлар ва солиқ тизимидаги ўзгаришларни инобатга олиш мақсадида, амалиётда кўрсатиб ўтилган усуллар аралаш ҳолда қўлланилади. Аннете Кйобе ва Степан Даннингер (Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари) томонидан жаҳондаги 34 та мамлакатда бюджет даромадларини режалаштириш ҳолати ўрганиб чиқилиб, мазкур давлатларнинг 29 тасида оддий экстраполяция усулидан, 4 тасида эконометрик усуллардан фойданилаётганлиги туғрисида хулоса берилган.

**Бюджетни солиқли даромадларини режалаштириш усуллари**

| Усуллар номи                     | Моҳияти                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                | Ижобий томонлари                                                                                                              | Камчилиги                                                                                                               |
|----------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| “Экспертлар баҳоси”<br>усули     | Мазкур усулда келгуси даврда солиқ солиш объектлари, даромадлар тушиши миқдори тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлган мутахассислар (ёки корхона ва ташкилотлар) маълумотлари. фикрлари, хулосаларидан фойдаланилади.                                                                                                                    | Қисқа даврга мўлжалланган режалар учун аниқлик даражаси ортиқ. Даромадлар тушуми динамикасидаги ўзгаришларни тушунтириш осон. | Барча даромад турлари учун фойдаланиш қийин. Субъектив характерга эга.                                                  |
| Naïve (тасодифий ҳаракат) модели | Бунда келгусидаги бюджет даромадлари миқдори жорий даврдаги миқдорга тенг деб олинади. Бошқача айтганда:<br><br>$y_t = y_t + u_t, u_t \sim NI(0, \sigma^2)$ $E_t[y_t + 1] = y_t + E_t[u_t + 1] = y_t$ бу ерда, $y_t$ -t – давр учун бюджет даромадлари<br>$u_t$ - даромадлардаги маълум бир вариацияга эга бўлган тасодифий ўзгаришлар | Оператив режалаштиришда бу усулдан фойдаланиш осон.<br>Қисқа даврга мўлжалланган режаларда аниқлик даражаси юқори бўлади.     | Омиллардаги ўзгаришлар ҳисобга олинмайди. Трендга эга бўлган даромадлар турини режалаштиришда фойдаланиш имконияти йўқ. |

|                                     |       |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |                                                                                                                                                        |                                                                                                      |
|-------------------------------------|-------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Детерминистик модели                | тренд | <p>Мазкур усул трендга эга бўлган даромад турларини режалаштириш имкониии беради ва қуйидаги кўринишда амалга оширилади:</p> $y_t = \alpha_1 + \alpha_2 t + u_t, u_t \sim NI(0, \sigma^2)$ $E_t[y_t + 1] = \alpha_1 + \alpha_2(t + 1) + E_t[u_t + 1] = \alpha_1 + \alpha_2(t + 1)$ <p><math>u_t</math> – <math>t</math> давр учун бюджет даромадлари<br/> <math>\alpha_1</math> - константа<br/> <math>\alpha_2</math> – бюджет даромадлари миқдорининг давр бирлигига нисбатан эластиклик коэффициенти<br/> <math>u_t</math> – даромадлардаги маълум бир вариацияга эга бўлган тасодифий ўзгаришлар</p> | <p>Тушумлар динамикаси трендга эга бўлган тушумларни оператив режалаштиришда бу усулдан фойдаланиш осон.<br/> Экзоген кўрсаткичлар талаб қилмайди.</p> | Омиллардаги ўзгаришлар ҳисобга олинмайди.                                                            |
| ARMA, ARIMA (Box-Jenkins) моделлари | (Box- | <p>Бу усулда эса:<br/> ўтган даврлардаги ҳақиқий тушумлар динамикаси асосида (AR қисми), ўтган даврлардаги ҳақиқий тушумлар билан модел асосида кутилган тушумлар ўртасидаги хатоликлар</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              | <p>Экзоген кўрсаткичлар талаб қилмайди. Модел ёрдамида кутилган ва ҳақиқий тушумлар ўртасидаш фарқлар ҳам ҳисобга олинади.</p>                         | <p>Омиллардаги ўзгаришлар ҳисобга олинмайди.<br/> Қўп миқдордаги кузатишлар сони талаб қилинади.</p> |
| Усуллар номи                        |       | Моҳияти :                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                | Ижобий томонлари                                                                                                                                       | Кимчилнги                                                                                            |
|                                     |       | миқдорини инобатга олиб (МА қисми) даромадлар режалаштирилади.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |                                                                                                                                                        |                                                                                                      |

|                      |                                                                                                                                                 |                                                                                                                                                                                                                                                                             |                                                                                               |
|----------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------|
| VAR/VECM моделлари   | VAR/VECM моделига киритилган ва ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичларни (масалан, солиқ солиш объекти ва даромад тушуми) биргаликда режалаштирилади. | Экзоген кўрсаткичлар талаб қилмайди. Солиқ солиш объектларининг (ёки бошқа солиқ турлари бўйича тушумларнинг) келгусидаги прогнози экзоген кўрсаткич сифатида эмас, балки режалаштирилаётган даромад тури миқдори таъсири остида ўзгариши билан биргаликда режалаштирилади. | Омиллардаги ўзгаришлар ҳисобга олинмайди. Кўп миқдордаги кузатишлар сони талаб қилинади.<br>1 |
| Эконометрик моделлар | Регрессия тенгламалари ёрдамида бюджет даромадларига таъсир килувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.                              | Омиллардаги ўзгаришлар ҳисобга олинади.                                                                                                                                                                                                                                     | Кўп миқдордаги кузатишлар сони талаб қилинади. Мураккаб ҳисоб-китоблардан фойдаланилади.      |

Манба: Муаллиф томонидан Бирлашган Вена Институтида (Австрия) “Макроиктисодий режалаштириш” мавзусида 26.11.2012-07.12.2012 йилда бўлиб ўтган семинар маълумотлари асосида тайёрланган.

Бюджени солиқли даромадларини режалаштириш иқтисодиётдаги бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаштириш билан ҳамда бу жараёнда қатнашувчи вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятига бевосита боғлиқ. Масалан, ялпи ички маҳсулот ҳажми ва иқтисодиётдаги нархлар ўсиш даражаси бюджет даромадларига катта таъсир кўрсатиши сабабли, ушбу кўрсаткичларни тўғри режалаштириш давлат хазинасига келиб тушадиган маблағлар миқдорини тўғри баҳолай олиш имконини беради. Қолаверса, йирик солиқ тўловчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари прогнозининг тўғри тузилиши ва ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда бюджетни солиқли даромадларини режалаштиришни такомиллаштириш йўналишлари сифатида куйидагиларни санаб ўтиш мумкиш:

- бюджетни солиқли даромадларини режалаштириш учун зарур маълумотлар базасини етарли ва сифатли даражада шакиллантириш;
- бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва бюджет даромадларини режалаштириш жараёни тартиби, усуллари, муддатлари ҳамда иштирокчилар вазифаларини аниқ кўрсатиб берувчи ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;
- илмий асосланган ва жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётида қўлланиладиган усулларни татбиқ қилиш;
- олий ўқув юртлари ва мутахассислар малакасини ошириш муассасаларда зарур мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш.

Шундай қилиб юртимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самараси, макроиқтисодий барқарорлик ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бюджет даромадларини тўғри режалаштириш билан чамбарчас боғлиқ.

### **3.3. Маҳаллий бюджетларни даромадлар базасини оқилона солиқларни ундириш орқали кенгайтириш ва уларни субвенциядан чиқариш йўллари**

Бугунги кунда Самарқанд вилояти туманларида маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш, субвенция улушини камайтириш ва босқичма-босқич субвенциядан чиқариш ҳамда ҳудудий дастурларни амалга оширилишини таъминлаш бўйича ишларнинг амалга оширилишда Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ 4086-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ тасдиқланган Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети параметрлари даромади 2270,9 млрд.сўм ва харажатлари 4031,8 млрд.сўм миқдорда, шунингдек 1760,9 млрд сўм миқдорида субвенция ажратиш билан тасдиқланди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 февралдаги 141-Ф-сонли “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш, субвенция улушини камайтириш ва босқичма-босқич субвенциядан чиқариш юзасидан ҳар бир туман шаҳар бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, таҳлил ижросини назорат қилиш тўғрисида”ги фармон мувофиқ, 2017-2021 йилларга мулжалланган ҳудудий дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур лойиҳаларни соҳалар кесимида амалга ошириш тартиби қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилоятида 2018 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 20,6 млрд сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 108,9 фоизга ва аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқарилиши 5433,2 минг сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 6,5 фоизга ўсишни ташкил этди.

Капитал қўйилмалар 3882,4 миллиард сўмни (111,2 фоиз), қурилиш ишлари 2915,7 миллиард сўмни (113,5 фоиз), хизматлар 7563,9 миллиард сўмни (112,2 фоиз) ташкил этади.

Саноат йўналишида қиймати 3413,3 миллиард сўм бўлган 354 та лойиҳани амалга ошириш ва 12626 та янги иш ўрни яратилган. Шундан 1494,4 миллиард сўмлик 128 та йирик аҳамиятли лойиҳадир.

Қишлоқ хўжалиги йўналишида қиймати 839,2 миллиард сўмлик 184 та лойиҳаларни амалга оширилиб ва 2163 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида вилоятда янги турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига 30 корхона 62 лойиҳалар бўйича 251,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ўсиш суръатини 185,6 фоизга етказилди.

Худудий экспорт ҳажми 246 млн долларни ташкил этиб, худудий экспортёр корхоналар сони 250 дан ортиши режалаштирилган.

Бандлик дастури асосида аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида вилоят бўйича 68371 фуқаронинг янгидан ташкил этиладиган иш ўринларида бандлиги таъминланиши белгиланган.

Ялпи худудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 70,5 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 45,1 фоизни ташкил этди.

2017 йилда Самарқанд вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурларга асосан 3 та (*саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги*) йуналишда қиймати 1646,6 млрд. сўмлик жами 2252 та лойиҳаларни амалга ошириш ва 20214 иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Амалда қиймати 2023 млрд. сўмга тенг бўлган 2252 та лойиҳа амалга оширилиб, 20214 та янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, соҳалар кесимида:

Саноат йўналишида, йиллик қиймати 1128,2 млрд. сўмлик 377 та лойиҳа амалга оширилди, 8242 та иш ўрни яратилди.

Жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича Булунғур туманида “Сам Гарден пласт” МЧЖда қиймати 10 млн. долларлик инвестиция жалб этилиб, йилига 10 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва шок усулида музлатиш лойиҳаси, “Тоҳир” МЧЖда қиймати

2,2 млн. долларлик йилига 4 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва қуриштиш лойиҳаси ишга туширилди.

Гўшти қайта ишлаш бўйича Самарқанд шаҳрида “Сифат Азизбек барака” МЧЖ томонидан 350 млн. сўмлик инвестиция эвазига йилига 200 тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилган.

Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Каттакўрғон шаҳрида “Каттакўрғонсут агрофирмаси” оилавий корхонасида қиймати 400 млн. сўмлик йилига 1 минг тонна сутни қайта ишлаш лойиҳаси ишга туширилиб, 20 та янги иш ўринлари яратилди.

Енгил саноат соҳасида Оқдарё туманида “Шарқ саноат” концернига қарашли “Муштарий Оқдарё” МЧЖда йилига 5 млн. дона тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 500 та иш ўрни яратилган.

Жомбой туманида “Шарқ саноат” концернига қарашли “Гала Осие нон” МЧЖ томонидан қиймати 45 млрд. сўмлик йилига 10 млн. дона жинси маҳсулотлари ва 4,5 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 800 та янги иш ўринлари яратилди.

Фармацевтика саноати бўйича Самарқанд шаҳрида “Самарқанд Энгланд Эко медикал” МЧЖ томонидан қиймати 21,2 млрд. сўмлик йилига 8 млн. дона дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 65 та янги иш ўрини яратилди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича Самарқанд шаҳрида “Прайм керамика” корхонасида 22 млн. доллардик йилига 12 млн. кв.м керамик плиткалар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

Каттакўрғон шаҳрида “Металл солуший техноложис” корхонасида қиймати 6,4 млрд. сўмлик (шундан, 1,4 млн.доллар хорижий инвестиция) турли ўлчамли шарикли вентиллар, латун фитинглар ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 250 та янги иш ўринлари яратилган.

Шунингдек, саноат йўналишида яна қиймати 483,3 млрд. сўмлик 95 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 5759 та иш ўрни яратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида йиллик режа қиймати 348,9 млрд. сўмлик 1281 та лойиҳани амалга ошириб, 8239 та иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалиги йўналишида ижро қиймати 545,6 млрд. сўмлик 594 та лойиҳа амалга оширилди ва 3833 та янги иш ўрни яратилди.

**Маҳаллийлаштириш дастури.** Дастурга киритилган 22 та корхонанинг 43 та лойиҳаси бўйича 220,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 3,3 млн. доллар маблағ иқтисод қилиниб, 62,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 123 та янги иш ўринлари яратилган.

**Бандлик дастури.** 76,6 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш белгиланган дастурни ижро этиш натижасида 77,5 та иш ўрни ташкил этилди.

Шундан, мақсадли дастурга мувофиқ 27 570 та, (саноатда 9119 та, хизмат кўрсатишда 8356 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 3025 та), қурилиш ва инфратузилма объектларини амалга оширишда 7070 та, фаолият кўрсатмаётган корхоналар фаолиятини тиклашда 2429 та иш ўринлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, яқка тадбиркорликни ривожлантиришда 6532 нафар, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қурилишдаги мавсумий ва вақтинча ишларда 22886 нафар, аҳолининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигидаги ўз-ўзини банд қилиш ва оилавий тадбиркорликда 36386 нафарининг бандлиги таъминланди.

**Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш.** 47 та давлат мулки объекти 175,5 млрд. сўм ва 11 млн. долл инвестиция киритиш ҳамда 3267 та янги иш ўринлари ташкил этиш шарти билан “ноль” харид қийматида берилди.

Масалан, Пастдарғом тумани “Мароқанд кабел инвест” МЧЖ томонидан 2,8 млрд. сўм инвестиция киритиш ҳамда 55 та иш ўрни ташкил

этиш шарти билан “ноль” харид қийматида берилди. Мазкур объект ҳам ишга туширилди.

Яна бир мисол, Жомбой туманидаги “Гала Осиё нон” МЧЖ томонидан 11 млн. доллар инвестиция киритиш ҳамда 1000 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш) шарти билан “ноль” харид қийматда берилди).

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятларини бошлаш учун 30 та (шундан “нол” харид қийматида бериш учун 9 та, хусусий мулк сифатида хусусийлаштириш учун 21 та) давлат объектлари оммавий савдоларга чиқарилди.

**Хусусийлаштирилган объектдан самарали фойдаланиш.** 1569 та аввал хусусийлаштирилган объектларнинг бино-иншоотлари ва ишлаб чиқариш майдонлари хатловдан ўтказилди.

Хатлов натижаларига кўра, ушбу объектлардан 369 таси бўш турганлиги, 812 таси фаолият кўрсатаётганлиги, 388 таси бузилиб кетганлиги ёки ўрнига бошқа объектлар қурилганлиги аниқланди.

Бўш турган корхона ва объектлардан 219 тасининг негизида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Дастурга асосан қиймати 253,8 млрд. сўмлик 250 та лойиҳани амалга ошириш ва натижада 5100 та иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда бугунги кунда қиймати 49,9 млрд. сўмлик 127 та лойиҳа ишга туширилди, 1031 та янги иш ўрни яратилди.

**Кичик бизнесни ривожлантириш.** Кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 1 трилн. 425,9 млрд. сўмлик кредит берилди ва 3259 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

2880 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 270,6 минг метр квадрат бино-иншоотлар ижарага берилиб, натижада 2385 та иш ўрни яратилди. Уларнинг сони 17261 тага етди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида 1568 та, саноатда 3908 та, қурилишда 1836 та, савдо соҳасида 5102 та, ташиш ва сақлаш соҳасида 714 та ва бошқа соҳаларда 4133 тани ташкил этди.

Натижада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 70,5 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 43,3 фоизни ташкил этди.

**Аҳолини тадбиркорликка жалб этиш бўйича.** Аҳолини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида тижорат банклари томонидан жами 25629 фуқарога 148,5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Шундан, қорамолчилик йўналишида 13294 фуқарога 86,9 млрд. сўмлик, қўйчилик ва эчкичиликда 1158 фуқарога 5,5 млрд. сўмлик, паррандачиликда 4803 фуқарога 16,4 млрд. сўм, иссиқхона ташкил этишда 2377 фуқарога 15,3 млрд. сўмлик, боғдорчиликда 1492 фуқарога 7,3 млрд. сўмлик, асаларичиликда 150 фуқарога 1 млрд. сўмлик ва бошқа йўналишларда 2355 фуқарога 16 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

**Экспорт.** 191 млн. 714 минг долларлик маҳсулот экспорта чиқарилди. Шундан, саноат маҳсулотлари 62 млн. 570 минг, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 129 млн. 145 минг долларни ташкил этди.

Бундан ташқари, 195 та янги корхона экспортга жалб этилди, 132,1 млн. доллар миқдорида маҳсулотлар экспортга жўнатилди.

Экспорт географияси кенгайиши натижасида бир нечта янги турдаги маҳсулотлар ҳам ўзлаштирилди: устачилик маҳсулотлари, яхна чой, тез тайёр бўлувчи макаронлар, бир марталик полиэтилен идишлар, эркаклар пальтоси, ёғоч ўриндиқлар, музлатилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, турли хил қурилиш материаллари.

**Хорижий инвестицияларни жалб этиш.** 43,2 млн. долларлик хорижий инвестициялар жалб этилиб белгиланган прогноз режаси 104 фоизга бажарилди. Натижада рўйхатдан ўтган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 291 тага етди.

Самарқанд вилояти ҳудудларни субвенциядан чиқариш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ўта муҳим вазифаларни олдимизга қўйди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда вилоятнинг бир қатор туманлари бюджетдан бериладиган субвенция ҳисобидан қопланмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бундай қарамликдан қутулишнинг йўли – ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириб, бюджет даромадларининг асоси ҳисобланган солиқ тушумларини кўпайтиришдан иборат. Туманларни субвенциядан чиқариш асосан саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, янги корхоналарни ташкил этиш бўйича лойиҳаларнинг бажарилиши ҳисобидан бюджетга қўшимча даромадлар киритиш орқали амалга оширилади.

Магистрлик диссертация ишида асосий мақсад ҳудудларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш ва туманларда бюджетдан олинаётган субвенция улушини камайитириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ижросини ўрганишдир. Шунингдек, мазкур дастурларда амалга оширилиши белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли вазифаларни ҳам белгилаб олиш зарурдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириш ҳисобига ҳудудларни комплекс ривожлантириш, маҳаллий бюджетларга тушумлар миқдорини кўпайтириш ҳамда солиқ йиғилувчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар мазкур йўналишдаги ишларни нафақат ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаяпти, балки, уни янада ривожлантиришга ҳам хизмат қиляпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги

“Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Барча ҳудудларда бўлгани сингари Самарқанд вилояти туманларини ҳам босқичма-босқич субвенциядан чиқариш бўйича юқоридаги фармон ва қарорлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий дастурлар қабул қилинган бўлиб, улар изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Айни пайтдаги ҳолатга назар ташлайдиган бўлсак, вилоятнинг 9 та тумани 2019 йилда вилоят бюджетидан субвенция олиши режалаштирилган. Шундан жами харажатдаги субвенция улуши Нуробод туманида 12 фоиз, Тайлоқда 34 фоиз, Нарпайда 37 фоиз, Қўшрабодда 50 фоиз, Булунғурда 51 фоиз, Каттақўрғонда 54 фоиз, Пахтачида 55 фоиз, Пайарикда 57 фоиз ва Иштихонда туманида 59 фоизни ташкил этади.

Албатта бу кўрсаткичларни қисқартириш, туманларнинг бюджет маблағларига қарамликдан олиб чиқиш мақсадида жорий йилда Самарқанд вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосан саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги йўналишида қиймати 2007,6 миллиард сўмлик жами 2292 та лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Масалан, соҳалар кесимида олиб қарайдиган бўлсак, биргина саноат соҳасида қиймати 1053,6 миллиард сўмлик 406 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 9500 га яқин иш ўринлари яратиш устида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари вилоятнинг 5 та тумани, жумладан жорий йилда Нуробод, 2019 йилда Қўшрабод ва Тайлоқ, 2020 йилда Булунғур ва 2021 йилга келиб, Нарпай туманлари субвенциядан чиқарилиши, қолган 4 та ҳудуд, яъни Пайарик, Иштихон, Пахтачи ва Каттақўрғон туманларининг харажатдаги субвенция улуши ўртача 56 фоиздан 25 фоизгача туширилиши назарда тутилмоқда.

**Биринчидан,** ҳудудларда янги корхоналарни ташкил этиш ва ҳамда бошқарувнинг илғор шакллари жорий этиш орқали ҳудудлар иқтисодиётини диверсификация қилиш лозим. Зеро, мазкур босқични самарали амалга оширмасдан туриб субвенциядан қутулиш ҳақида гапириб бўлмайди. Шу боис, ҳар бир тумanning шарт-шароитини инобатга олган ҳолда энг сўнгги технологияларга асосланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш маҳаллий ҳокимиятларнинг бирламчи вазифасига айланиши керак.

**Иккинчидан,** ҳудудлар бюджети даромадларини оширишнинг ички захираларини топиш, бу борада зарур чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш масаласи ҳам долзарб аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш керакки, ўрганишлар жараёнида бу борада ҳудудларда ҳали қилиниши керак бўлган ишлар бисёр эканлиги маълум бўлиб қолди.

**Учинчидан,** солиқ солинадиган субъектларни солиққа тортиш тизимини тубдан такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунда асосан бир қатор маҳаллий солиқлар самарадорлиги ва маҳаллий бюджет даромадлари тушуми пастлигини ҳисобга олган ҳолда, зарур ислохотларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

**Тўртинчидан,** туманлар бюджетининг ўз-ўзини таъминлаш даражасини оширишда Самарқанд вилояти ижроия органлари ва ҳокимлигининг иштирокини янада фаоллаштириш талаб этилади. Мазкур йўналишда вилоят ижроия органлари ва ҳокимлиги фаол иш олиб бориб, солиқ солинадиган субъектларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, инвестиция киритиш шарти билан ишга туширилган корхоналарни инвентаризациядан ўтказишни жадаллаштириш ва самарасиз фаолият юритаётган корхоналарни салоҳиятли тадбиркорларга топшириш каби кечиктириб бўлмас вазифаларни бекаму кўст бажариши лозим.

**Бешинчидан,** бюджет ижроси ва бюджет даромадларини ошириш борасидаги ишларни самарали йўлга қўйиш учун, энг аввало, туманлар

миқёсида солиқ, молия ва кадастр хизматлари ва бошқа идоралар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш даркор. Яъни мазкур жабҳада, аввало, замон талабидан келиб чиқиб, электрон ҳукумат доирасида туман даражасидаги барча ижрочи ва вакиллик органлари миқёсида ягона ахборот базаси яратилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу бир томондан солиқларни яширишга қарши курашиш самарадорлиги оширса, бошқа томондан барча битимларнинг шаффоф бўлишини таъминлайди.

Умуман олганда, юқорида келтириб ўтилган йўналишлар бўйича биргаликда тизимли иш олиб борилса, вилоят туманларини субвенциядан чиқаришга доир дастурлар ва бошқа устувор вазифалар ижроси босқичма-босқич ўзининг амалий ечимини топиб бораверади деб уйлаймиз.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларга биноан туманларни субвенциядан чиқариш ва шу орқали маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш масаласи нафақат Самарқанд вилояти туманларида, балки, мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам чуқур таҳлиллар асосида ўрганилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ жойларда аниқ мақсадларни ўзида акс эттирган комплекс чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этиляпти. Бу эса бугун давлат бошқарувида марказлаштиришдан қочиш тамойили, маҳаллий ҳокимиятлар ролини кучайтириш ва маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш масаласи кун тартибига чиққанлигидан далолат беради.

Марказда ва жойларда давлат бошқаруви органларининг, бюджет ташкилотларининг бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, молиявий интизомга риоя қилиш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ҳамда қоидалари ижро этилиши устидан назоратни янада кучайтириши лозим бўлади. Яна шу нарса аён бўлмоқдаки, ҳокимиятнинг қуйи поғоналарида дуч келинаётган муаммоларни ҳал қилиш механизми қонунчиликдаги ўзгартишларда акс этиши зарур.

Магистрлик диссертация ишида кўтарилаётган мавзуга ҳам илмий,

хам амалий жиҳатдан ёндашган ҳолда шунини алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят туманларини субвенциядан чиқаришда янги корхоналарни ташкил этиш ҳамда бошқарувнинг илғор шакллари иқтисодиётнинг диверсификация даражасини оширишга хизмат қилишини таъминлаш энг муҳим йўналишлардан биридир. Бунда ҳар бир туманнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритилиши мақсадга мувофиқдир. Бизга маълумки, вилоятимизнинг айрим туманлари, мисол учун Пайариқ, Иштихон, Нуробод ва Нарпай туманларида ва уларнинг атрофидаги ҳудудлар иқтисодиётининг асосини пахта ташкил этади. Ҳар йили ушбу ҳудудларда тонна-тонна пахта етиштирилади, лекин у ерларда уни қайта ишлашга ихтисослашган бирорта завод йўқлиги айтиб ўтиш жоиз. Шунини инобатга олган ҳолда, биринчи галда ҳудудларда энг сўнгги технологияларга асосланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси иштирокида кластер ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Айтиш жоизки, мазкур йирик лойиҳанинг амалга оширилиши маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини сезиларли даражада кенгайтиради. Негаки, ушбу кластерда пахта етиштиришдан бошлаб, юқори даражадаги қўшимча қийматга эга бўлган кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Энг асосийси, ушбу кластернинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан ҳар бир туманда 1500 -2000 дан зиёд юқори маош тўланадиган янги иш ўринлари ташкил этилади.

Иккинчи энг муҳим йўналиш бу – инновацион агротехник ҳудудлар ташкил этиш масаласидир. Мазкур тажриба қайси туманда бўлишидан қатъи назар, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришнинг навбатдаги истиқболли йўналиши ҳисобланади. Пайариқ туманида ҳам йил давомида сабзаёт маҳсулотлари етиштиришда янги усулларни амалиётга жорий этиш ва ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 35 гектар майдонда Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари учун юқори технологияли иссиқхоналарни ишлаб чиқариш мажмуасини яратиш режалаштирилмоқда.

Сабзаёт маҳсулотлари етиштиришнинг юқори ҳосилдорликка

каратилган технологиясини самарали ўрганиш мақсадида ушбу корхона негизда бизнес инкубатор ташкил этилиб, иссиқхона мажмуаси харидорларига ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш технологиясининг самарадорлиги билан таништириш режалаштирилган.

Маҳаллий бюджет даромадларини ошириш ва уни субвенцияга қарамликдан олиб чиқишнинг яна бир истикболли йўналиши ғалла, полиз экинлари ҳамда узумчилик ҳисобига лалми ерларда интенсив фермерлик ҳудудини барпо этишдир. Бунинг самараси ўлароқ етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш объектлари, узум ва қовунларни қуритишга ихтисослашган корхоналар, таъминот компанияси ва транспорт корхонаси ташкил этилади.

Умуман олганда, бундай инновацион ривожланиш марказини яратиш туманлар иқтисодиётини диверсификация даражасини оширишга, янги иш ўринларини ташкил этишга ва булар ўз навбатида бюджет даромадларини кўпайтириш ва унинг субсидияларини қисқартиришга хизмат қилади.

Тадқиқот иши давомида Самарқанд вилояти ва унинг таркибидаги туманларнинг иқтисодий аҳволи ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида маълум бўлдики, ҳудудлар бюджет даромадларини оширишнинг яна бир мақбул йўли ички захираларни топиш ва уларни ривожлантиришдан иборатдир. Хусусан, туманлар маҳаллий бюджетининг даромадларни ошириш учун ички захираларни топиш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилмоқда:

**Биринчидан,** бюджет даромадларини кенгайтириш учун ер участкалари ҳамда уй-жой фонди эгаларидан солиқ тўловчиларни қамраб олиш мақсадида туманнинг солиқ, молия ва кадастр хизматлари ўртасидаги амалдаги мавжуд ўзаро ҳамкорликни тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

**Иккинчидан,** соддалаштирилган солиқ тизими доирасида фаолият юритувчи ва имтиёзларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан даромад солиғи тушмаётганлигини ҳисобга олиб, бу амалиётни қайта кўриб

чиқиш зарур. Қолаверса, бир қатор субвенциядаги туманларда кузатилган амалиёт – ушбу туманларда фаолият юритаётган ўнлаб корхоналарнинг солиқларни Тошкент шаҳрида тўлаётганлиги аниқланди. Албатта, улар томонидан тўланаётган солиқлар маҳаллий бюджетга тушса, айтиш мумкин бўлар эди. Шунингдек, аксарият ноль қийматда берилган корхоналарнинг ишламай тургани ҳам айтиш ҳақиқат. Битта Булунғур туманида 57 та корхонадан 20 таси ишламай турибди. Қолаверса, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ушбу туманларда инвестицион дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Ҳозирда шу эътибор етарли эмаслиги яққол кўзга ташланмоқда. Бунинг учун эса масалан Нарпай ва Пахтачи туманларидаги ўзлаштирилмай қолиб кетаётган саноат хомашёлари мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Шу билан бирга ҳалол рақобат нуқтаи назаридан бир қатор корхоналарга берилаётган солиқ имтиёзларини ҳам қайта кўриб чиқиш керак. Ушбу туманларда тадбиркорларга ўз фаолиятини йўлга қўйишда яратилаётган имкониятларни ҳам етарли деб бўлмайди.

**Учинчидан,** эса аксарият туманларни субвенция ҳолатидан олиб чиқишдаги муаммолар маҳаллий бюджет ҳисобидан ижтимоий соҳани молиялаштиришда маблағ тақчиллиги билан боғлиқ бўлиб турибди. Ушбу масалани ҳар бир туманнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда қатъий белгиланган улушларда субсидия бериш орқали бартараф этиш мумкин.

Қолаверса, маҳаллий ҳокимликлар, солиқ ва божхона органлари ўртасидаги яқин ҳамкорликни йўлга қўйилиши фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан етиштирилган ҳамда ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотларини ҳисобга олишдан яшириш ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилади.

Ҳудудларни субвенциядан чиқаришда анъанавий ва ноанъанавий усуллардан фойдаланилади. Анъанавий усулда белгиланган қонунлар асосида солиқ ва тўловларни йиғиш орқали олинган қарз миқдори қопланади ва натижада 25-30 фоизгача ички ресурсларни тўплаш мумкин. Бунда ер кадастри, молия ва солиқ бошқармалари бирлашиб фаолият олиб боришса,

айни муддао бўлар эди. Афсуски, бу ташкилотлар орасидаги ҳамкорлик кўзга ташланмаяпти.

Буни биргина Қўшработ тумани мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, жисмоний шахслар ҳақидаги маълумотлар – туман ер кадастри рўйхатида 21 минг, статистикада 23 минг, солиқ идораларида эса 16 минг, дея қайд этилган. Туман ҳокимлигидан эса 5 минг 600 та аҳоли рўйхатдан ўтказилган.

Таъкидлаш жоизки, туманларнинг субвенциядан чиқиш жараёнларини тезлаштириш, чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш учун ишбилармонлик муҳитини ошириш, инвестицияларни янада кенгроқ жалб қилиш борасида бир қатор ишларни амалга ошириш зарур.

Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уни субвенцияга қармликдан олиб чиқиш бўйича дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда аниқ хулоса чиқариш ва қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш, вилоят иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги вазифалар қачон, қай тарзда, кимлар иштирокида амалга оширилганлиги ҳақида, энг аввало, фуқароларни хабардор этишимиз шарт.

Жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, лойиҳалар ижроси устидан таъсирчан назоратни фаолроқ олиб борилиши талаб этилади.

Бюджетдан ажратилган маблағларнинг жойларда мақсадли ишлатилиши устидан ҳам депутатлик назорати олиб бориш зарур деб ҳисоблаймиз. Шунга қарамасдан соҳа ходимлари билан биргаликда бюджет муассасаларида ўтказилган тафтиш ва текширишларда 2018 йилда жами 4 180,8 миллион сўмлик мақсадсиз харажатлар ва камомадларга йўл қўйилгани аниқланди.

Худудий дастурларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш, даромад базасини мустаҳкамлаш ва юқори бюджетдан олинаётган субвенция улушини камайтириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг

ижросини алоҳида назоратга олиш, мазкур дастурларда амалга оширилиши белгиланган тадбирларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш чораларини кечиктирмаслик лозим.

## Хулоса

Бизнинг фикримизча, бюджетлар ўртасида маълум бир солиқ ва даромад манбаларини тақсимлашда қуйидаги мезонлар ҳисобга олиниши лозим:

иқтисодий самарадорлик: ҳар бир бюджет тизими даражасига ушбу давлат ҳокимият органлари ҳудудий иқтисодий сиёсатига боғлиқ бўлган солиқ ва даромад манбалари базаси бириктирилиши лозим;

ижтимоий адолатлилик: қайта тақсимланадиган солиқ турлари асосан давлат ҳокимият органлари даражасига бириктирилиши керак;

бюджет жавобгарлиги: бюджет хизматлари учун тўловларни ўзида акс эттирувчи йиғимлар ушбу хизматларни молиялаштирувчи бюджет ихтиёрида жамланиши лозим;

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, Республикамизда ҳам рағбатлантиришнинг бундай усулидан фойдаланиш:

Маҳаллий давлат органининг ўз ички даромад манбаларини кенгайтиришга қизиқишини оширишга;

бюджетлараро муносабатларнинг ошкоралигини таъминлашга;

баланслашган ёки нисбатан номутаносиб бюджетга эга ҳудудларда солиқ йиғимларини ортиришни рағбатлантиришга имкон беради.

Юқорида келтирилган фикрларни амалда қўллаш, бизнингча, республикамиз маҳаллий давлат органларини ҳудудлар солиқ салоҳиятини кенгайтиришга, шу билан бирга маҳаллий бюджетларни мустақиллигини оширишига имкон яратади. Бу ўз навбатида маҳаллий бюджетларнинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини ошишига олиб келади.

2017-2021 Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар  
Стратегиясини амалга ошириш шароитида маҳаллий бюджет даромадларини  
ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, бюджетлараро  
мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш  
борасида бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари, хусусан, АҚШнинг  
бюджетлараро муносабатлар бўйича эксперт комиссияси томонидан ишлаб  
чиқилган “репрезентатив солиқ тизими”дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ  
бўлади. Репрезентатив солиқ тизимининг ҳудудлар солиқ потенциалини  
баҳолаш мезони сифатидаги моҳияти ҳудудда йиғиладиган умумий бюджет  
тушумлари миқдорининг ҳисобланиши билан характерланади. Репрезентатив  
солиқ тизими моделидан фойдаланиш учун ҳудудлар бўйича умумий  
маълумотлар мавжуд бўлиши талаб этилади. Солиқлар ва бошқа  
даромадларнинг ҳақиқий тушумлари, уларнинг солиқ базалари ҳудудлар  
бўйича тушумларни ҳисоблаш имконини беради. Мазкур миқдор ўз  
навбатида ҳудуд солиқ потенциали сифатида олинishi мумкин.

Ҳар бир ҳудуд учун репрезентатив солиқ тизимини баҳолаш маҳаллий  
бюджетларнинг барча даромад манбаларини аниқлаш, турли ҳудудлар  
даромадлар манбаларининг ягона таснифини тузиш, стандарт (норматив)  
солиқ базаси таркибини ва солиққа тортишнинг репрезентатив (ўртача)  
ставкасини аниқлаш ҳамда ҳудуд солиқ потенциалини ҳисоблашни қамраб  
олади. Ушбу усул ҳудуд солиқ потенциалини объектив ва ишончли тарзда  
баҳолаш имконини тақдим этиши билан аҳамиятлидир. Бироқ, мазкур  
усулнинг камчилиги сифатида нисбатан катта ҳажмдаги маълумотлардан  
фойдаланиш натижасида вужудга келадиган мураккаблик ва чалкашликларни  
қайд этиш мумкин.

Шунингдек, репрезентатив солиқ тизимидан Канада, Германия,  
Швецарияда фойдаланиш борасида етарли тажриба тўпланган. Жумладан,  
Канадада бюджет федерализми концепцияси ҳудудлар (провинциялар)нинг  
юқори даражада бюджет ва солиқ мустақиллиги билан фарқланади. Ушбу

мамлакатда ҳудудлар солиқ потенциалини баҳолашда 37 турдаги ҳудудлар ва маҳаллий солиқлар бўйича солиқ базалари мажмуи ҳисобга олинади.

Ўзбекистон шароитида маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари юқори бюджетдан ажратиладиган умумдават солиқларидан ажратмалар меъёрлари ҳисобига шаклланиши, маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган солиқли даромадлари марказлаштирилган тартибда ўрнатилиши репрезентатив солиқ тизими усулидан фойдаланишни енгиллаштиради. Шу боисдан ҳудуд бюджетини шакллантиришга хизмат қилувчи солиқ турларини аниқлаб олиниши билан масаласи ҳал этилса, репрезентатив солиқ тизими усулидан фойдаланишни йўлга қўйиш мумкин бўлади.

Фикримизча, жисмоний шахслардан олинadиган даромад ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлиғича маҳаллий бюджетларга бириктириб бериш, қўшилган қиймат солиғини турли даражадаги бюджет бўғинлари ўртасида улушли тарзда тақсимлаш мақсадга мувофиқ.

Келгусида Ўзбекистонда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетнинг даромадларини оширишда саноат ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига солиқ солинадиган базани кенгайтириш, ҳудудлар солиқ потенциали тушунчасини солиқ қонунчилигига киритган ҳолда ҳар бир ҳудуднинг солиқ потенциалини ҳисоблаб чиқиш, уни орттириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусини рағбатлантириш механизминини яратиш лозим.

Мамлакатимизда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш борасида қуйидаги чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- саноат ишлаб чиқариш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш;
- хизмат кўрсатиш, сервис корхоналари ташкил этиш;
- мавжуд корхоналарни соғломлаштириш, модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш;
- истиқболсиз ишлаб чиқариш корхоналарини янги мулк эгаларига

сотиш орқали соғломлаштириш;

– солиқ тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг муддати тугашини ҳисобга олиш;

– солиқлар йиғувчанлигини ошириш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017 й., 62 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси.- Тошкент: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 52-сон, 2013 й..
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси -Т.: Адолат. 2019 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ-2847сонли молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мизийеевнинг 2017 йил 13 декабрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сонли «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 445 сонли “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини

кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги Қарорлари: 2016 й., ПҚ-1824; 2017 й., ПҚ-2099; 2017 й., ПҚ-3454; 2018 й., ПҚ-4086;

**12.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 3 январдаги 1-сонли “2017 молия йилини сифатли якунлаш, 2018 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари ижроси жараёнида бюджетни режалаштириш самарадорлигини ошириш ва бюджет қонунчилиги талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш чоралари тўғрисида”ги буйруғи;

**13.** Каримов. И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 218 б.

**14.** Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // Халқ сўзи. 13 ноябрь. 2010 йил.

**15.** Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови, “Ўзбекистон”. Т.: 2016 й. – 47 б.

**16.** Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида кириши тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи, “Ўзбекистон”. Т.: 2016 й. – 56 б.

**17.** Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

**18.** Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 80 б.

**19.** Аюпова, С. Г.. Методологические аспекты прогнозирования бюджетных доходов с учетом оценки степени риска поступлений. Экономика. Вып. 26.С. 81-85. (Вестник Челябинского государственного университета. 2010 №6 (187)), с. 4.

**20.** Баканов М.И.. Мельник М.В.. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. -1 М.: Финансы статистика, 2007. - 536 с.

**21.** Дуброва Т.А., Архипова М.Ю. Статистические методы прогнозирования в экономике: Учебное пособие, практикум, тесты, программа курса. - М.: Московский государственный университет экономики, статистики и информатики, 2004. - 136 с.

**22.** Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 200 с..

**23.** Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.

**24.** Гиндуллина Т.К., Багаева Ю.О., Суворова В.А. Детерминированные методы факторного анализа: Методические указания к практическим занятиям по дисциплине “Технико-экономический анализ деятельности предприятия”. - Уфа. Уфимский государственный авиационный технический университет 2011. -39 с.

**25.** Дуброва Т.А., Архипова М.Ю. Статистические методы прогнозирования в экономике: Учебное пособие, практикум, тесты, программа курса. - М.: Московский государственный университет экономики, статистики и информатики, 2004. -136 с.

**26.** Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. - Т: Фан, 2004. - 224 б.

**27.** Жеребцов, А.Б. Управление формированием и развитием налогового потенциала региона: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 (15.); 08,00.10 / Жеребцов Андрей Борисович. - Москва, 2007. - 28 с.

**28.** Зайналов Ж.Р., Латипова Ш. - «Давлат бюджети» фанидан Ўқув-услугий мажмуа: СамИСИ, 2017. 803 бет.

**29.** Зайналов Дж.Р., Хусанов Б., Карлибаева Р. Влияние акционерного фонда на социальную защиту населения и их занятость //Теория и практика учета, анализа, аудита и статистики в России и странах СНГ. Материалы межд. научно-практ. конф. – Тамбов: Изд-во ТРОО «Бизнес-Наука-Общества», 2011. - с.132-141

**30.** Зайналов Дж.Р., Хусанов Б.Ш., Расулов З.Дж. Механизмы формирования доходов населения и проблемы их социальной защищенности // Теория и практика учета, анализа, аудита и статистики в России и странах СНГ. Материалы межд. научно-практ. конф. – Тамбов: Изд-во ТРОО «Бизнес-Наука-Общества», 2011. - с. 122-132.

**31.** Зайналов Д.Р., Хусанов Б.Ш. Распределение фонда жизненных средств населения //Системный экономический кризис в контексте глобальной динамики: последствия и стратегии преодоления. Материалы межд. научно-практ. конф. – Караганда, Часть II. 2009. -С.33-40.

**32.** Маликов Т.С.,Хайдаров Н.Х. Давлат бюджети. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2008.

**33.** Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. Пер. с англ. - М.: Издательство МГУ, 1994. – 736с

**34.** Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.:

Академнашр, 2011. – 354 б.

35. Маликов Т., Молия. Дарслик. Т.: Иқтисод-молия, 2018. - 268 б.
36. Маликов Т.С., Жалилов П.Т., Абдурупов Р.Р. Амалий молия асослари: Ўқув қўлланма. Т.: Янги аср авлоди, 2015. 96 б
37. Маликов Т.С., Жалилов Ш.Қ. Молиявий тизим: замонавий талқин: Ўқув-услубий қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2016. 114 б.
38. Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда солиқ йиғилувчанлиги даражасини ошириш йўллари // и.ф.н. илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: БМА, 2012. - Б.5.
39. Исламкулов А.Х., Ражаббаев Ш.Р., Пардаев У.У. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш. Монография. – Т.: Спектрум Медиа Групп, 2015. – 160 б.
40. Пардаев У.У. Давлат бюджети солиқ даромадларини режалаштиришда солиқ потенциалидан фойдаланиш// Молия, 2013 йил 5-сон. – Тошкент: 2013. – Б.65-70.
41. Теория экономического анализа: учебник [Электронный ресурс]; Региональной финансово-экономический институт - Курск, 2008. - 168 с.
42. Annette Kyobe and Stephan Danninger. Revenue Forecasting - How is it done? Results from a Survey of Low-Income Countries (IMF Working paper WP05/24).-Washington. DC.: International [Monetary Fund. 2005, 23 p.
43. Arthur B. Laffer. Jan P Seymour.The economics of the tax revolt. - New York: Harcourt Brae Jovanovich, 1979. - 138 p.
44. Alfirman, L. Estimating stochastic frontier tax potential: Can Indonesian local governments increase tax revenues under decentralization / L. Alfirman //Department of Economics, University of Colorado at Boulder, Colorado. Working Paper.-2003.-JTo. 03-19,- 37 p.
45. Advisory Commission on Intergovernmental Relations (ACIR), 1982. Tax Capacity of the Fifty States: Methodology and Estimates. Washington, D.C.: U.S. Government Printing Office. <http://www.librarv.unt.edu/gpo/acii/Reports/M-i34.pdf>

46. Brehm, S. Fiscal Incentives, public spending, and productivity - county- level evidence from a Chinese province/ S. Brehm // World Development,- Vol. 46- 2013.-P. 92-103.

47. Gupta, M. S. Governance, corruption, and economic performance. / M. S. Gupta, G. T. Abed.// International Monetary Fund,- 2002 - 564 p.

48. Gaspar, V., Jaramillo, L., & Wingender, M. P. (2016). Tax Capacity and Growth: Is there a Tipping Point?. International Monetary Fund.

49. Mattos, E. Flypaper effect revisited: evidence for tax collection efficiency in Brazilian municipalities/ E. Mattos, F. Rocha, P. Arvate //Estudos Economicos (Sao Paulo). - 2011. - T. 41. - ,NL 2, - P. 239-267.

50. Kuo, C. Y. Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity./ C. Y. Kuo//JDI Executive Programs.- 2000. - Ks. 2000-08,- 34p.

51. Pessino, C., & Fenochietto, R. (2010). *Determining countries' tax effort*.

52. Rao, H. Taxable capacity tax-efforts and forecasts of tax-yield of Indian States/H. Rao// Institute for Social and Economic Change, Bangalore-1993,- 165 p.

53. Sobarzo, H. Tax effort and tax potential of state governments in Mexico: A representative tax system./ H. Sobarzo//Helen Kellogg Institute for International Studies—Working Paper JTa 315,— 2004 — 31 p.

54. Stephan Danninger, Marco Cangiano, and Annette Kyobe. The Political Economy of Revenue-Forecasting Experience from Low-Income Countries. (IMF Working paper WP/05/2). Washington, DC, International Monetary Fund, 2005, 31 p.

55. Stephan Danninger. Revenue Forecasts as Performance Targets (IMF Working paper WP/05/14). Washington, DC, International Monetary Fund, 2005, 21 p.

56. Tanzi, V. 12 Structural factors and tax revenue in developing countries: a decade of evidence/ V.Tanzi //Open Economies: Structural Adjustment and Agriculture. - 1992. - P 267.

57. Сайт Института народнохозяйственного прогнозирования  
Российской академии наук- [http:// www.ecfor.ru](http://www.ecfor.ru)

58. Интернет сайтлари:

[http: //www.gov.uz](http://www.gov.uz)

[http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

[http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)

[http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)